O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh maqsadimiz – xalq manfaatlariga xizmat qilish

# Postda
# На посту

2020-yil
17-sentabr
payshanba

№ 33 (4471)

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vazirligi nashri

Gazeta 1930-yil 12-maydan chiqa boshlagan / Web-site: www.postda.uz / E-mail: info@postda.uz

## МЕҲР-САХОВАТДАН КЎНГИЛЛАР ШОД






**Пандемия. Коронавирус. Карантин… Бу сўзлар бугун биз энг кўп эшитадиган, қўллайдиган, баъзан хавотирга соладиган, бошқа пайт ҳушёрликни оширадиган жумлалардир. Уларнинг қандай маъно касб этиши ҳаммага маълум. Бунинг нечоғли ҳаётимизга таъсир этаётганини ҳатто энди юра бошлаган боланинг кўчага чиқишидан олдин ниқобчасини тақиб, уйга кирганида қўлини ювишга уринаётган хатти-ҳаракатларида ҳам кўришимиз мумкин.**

Мана, етти ойдирки, мамлакатимиз аҳолиси ҳам коронавирус деган балонинг қанчалик хавфлилигини ҳис қилиб, баъзида жонидан ўтказиб яшаб келмоқда. Бу инфекция билан касалланиб, у билан курашаётган, уни енгиб ўтаётганлар ҳам кўпчиликни ташкил этади. Энг қайғулиси, бу касаллик кўплаб юртдошларимизни ҳаётдан олиб кетди.

Аҳоли баъзан кучайтирилган, баъзан юмшатилган карантин даврларини бошидан ўтказди, ўтказиб келмоқда. Айни ўша кучайтирилган карантин пайтида ҳам сизнинг, бизнинг, бутун халқимизнинг соғлиғи учун жонини хатарга қўйган фидойи инсонлар, куну тун хизматда бўлишди. Шифокорлар инфекция билан касалланганларни соғлом ҳаётга қайтариш учун жон олиб жон берган бўлса, ички ишлар органлари, мудофаа ва миллий гвардия ходимлари блок постларда, чегараларда, карантин зоналарида, кўча ва жамоат жойларида «Кўчага чиқманг, уйда қолинг, карантин қоидаларига амал қилинг», дея даъват этди. Осойишталигимизни таъминлаб, касаллик авж олмаслигига катта ҳисса қўшишди.

Пандемиянинг мамлакатимиз ҳаётига салбий таъсирини юмшатиш, фуқаролар саломатлигини асраш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича давлатимиз томонидан ўз вақтида кўрилган чора-тадбирлар самарасини бермоқда. Гоят мураккаб ва таҳликали бир вазиятда олижаноб халқимиз янада жипслашиб, ўзаро ёрдам, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик ва аҳиллик каби юксак инсоний фазилатлар соҳиби эканини яна бир бор амалда намоён этмоқда.

*(Давоми 2–3-бетларда).*



«ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШИМДА ОМОНУЛЛА МАДАЕВНИНГ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛГАН» 4

ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ



ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ 13



«РАЗВЕ ЭТО НЕ СЧАСТЬЕ?» 15

# МЕҲР-САХОВАТДАН КЎНГИЛЛАР ШОД

*(Давоми. Бошланиши 1-бетда).*

Таъкидланганидек, эл бошига тушган синовли кунларнинг хавф-хатарларига қарши курашда, уларнинг оқибатларини бартараф этишда бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакиллари каби, ички ишлар органлари ходимлари ҳам фаол иштирок этди. Ҳафта-ўн кунлаб фарзандларини кўрмасдан, ёзнинг иссиқ кунларида хизмат ўтаб, осойишталикни таъминлашди. Мардлик, матонат ва жасорат намунасини кўрсатишди. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда ҳам, уларга беминнат кўмак бериш борасида ҳам улар олдинги сафда бўлишди. Қисқаси, жамиятимизда тинчлик-осойишталик, бирлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлашда фаол қатнашиб, беғараз эзгу ишлари билан ўрнак бўлаётган тизим ходимлари билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Ички ишлар органлари ходимлари хориждан келаётган юртдошларимизни карантин зоналарига жойлаштириш, тиббиёт муассасаларида назоратда ушлаб туриш, соғайгач, поезд, автобус ва бошқа транспорт воситаларида яшаш манзилларига олиб боришда бош-қош бўлишди. Агар рақамларга мурожаат қилсак, карантин тартиби жорий этилгандан буён 1 миллион 400 мингдан ошиқ шахс республикамизга кириб келган бўлса, уларнинг 1 миллион 127 минг 967 нафари умумий тиббий кўрикдан ўтказилди. Темирйўл ва ҳаво транспорти орқали эвакуация қилинган 88 мингдан ошиқ Ўзбекистон фуқароси карантин зоналарига жойлаштирилди. Чегара постлари орқали кириб келаётган 87 мингдан зиёд фуқароларнинг автотранспорт воситаларида карантин муассасаларига хавфсиз етиб боришида ҳам ички ишлар органлари ходимлари бевосита қатнашишди. Бу пайтда хизмат ўтаётган ходимларда ҳам касалланиш ҳолатлари кузатилди. Жумладан, карантин бошлангандан буён 1780 нафар ходим коронавирус инфекция билан касалланди. Уларнинг 1309 нафари соғайган бўлса, ҳозирда 458 нафари даволаниш жараёнида. Айни пайтда карантин тадбирларига бир кунда 25 мингдан ошиқ ички ишлар органлари ходимлари жалб этиб келинмоқда.

Карантин тадбирлари даврида ички ишлар органлари ходимлари томонидан кўплаб қоидабузарликлар ҳам аниқланди. Хусусан, карантин бошлангандан буён 1 миллион 169 мингдан зиёд қоидабузарлик қайд этилди. Булар транспорт воситасини тегишли ҳужжатсиз бошқариш, бўйсунмаслик, карантин қоидаларини бузиш ва бошқа қоидабузарликлардир. Биргина ИИВ ДЙҲХХ томонидан ўтказилган «Мадад» ва «Ҳамкор» махсус тадбирлари давомида 969 мингдан ортиқ қоидабузарлик аниқланди. Бунинг учун 3 мингдан зиёд ходим жалб этилди.

Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан пандемия шароитида ижтимоий кўмакка муҳтож оилаларга ёрдам бериш, фуқароларни иш билан таъминлаш мақсадида «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати йўлга қўйилди. Ишидан айрилганлар, моддий томондан қийналиб қолган оилаларни аниқлаш, уларга озиқ-овқат, пул кўринишидаги ёрдамларни етказишда ҳам тизим ходимлари камарбаста бўлишмоқда. Ўрганишлар мобайнида республика бўйича 140 минг 624 та ёрдамга муҳтож оила аниқланган бўлса, уларнинг 107 минг нафардан ошиқ аъзоси ишга жойлаштирилди. «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида 33 минг 986 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, 5931 та оилага нақд ёки пластик карта кўринишидаги маблағ тарқатилди. 396 та оиланинг коммунал қарзи тўлаб берилган бўлса, 1253 та оилага дори-дармонлар етказилди. Шунингдек, ўзини ўзи таъминлашига кўмаклашиш мақсадида 3418 та эҳтиёжманд оилага қорамол, қўй, эчки ва паррандалар, асалари қутилари етказиб берилди.

Коронавирус инфекциясига қарши курашиш, унинг авж олмаслигини таъминлаш ўз-ўзидан бўлиб қолмайди, албатта. Бунинг ортида кўплаб соҳавий хизмат ходимларининг фидойилиги, ўз жонини хатарга қўйиб фаолият кўрсатиши ётибди, десак, янглишмаган бўламиз. Ана шундай фидойи ходимларнинг меҳнатини эътироф этиш, уларни рағбатлантириш мақсадида жорий йилнинг 26 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини таъсис этиш тўғрисида»ги фармони қабул қилинган эди. 26 август куни эса давлатимиз раҳбари томонидан «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан мукофотлаш тўғрисида»ги фармон имзоланди. Шунга мувофиқ, пандемия ҳамда турли табиий офат ва фавқулодда ҳолатларга қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда мардлик ва жасорат кўрсатган кўплаб юртдошларимиз, хусусан, ички ишлар органларининг бир гуруҳ ходимлари «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.

Куни кеча жойларда ана шу мукофотларни ўз эгаларига тантанали вазиятда топшириш тадбирлари бўлиб ўтди.

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ,**
**«Postda» мухбири.**



**Ички ишлар вазирининг биринчи ўринбосари, генерал-майор Шуҳрат Собиров ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондони, полковник Шокиржон Худойназаровга кўкрак нишонини топширмоқда.**



**Ички ишлар вазирлиги Тиббиёт бошқармаси ва марказий даволаш муассасалари ходимларининг 26 нафари «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди. Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Рустам Хатамов ходимларга мукофотларни тантанали равишда топширди.**





**Хоразм вилояти Ички ишлар бошқармасида «Меҳр-саховат» кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тадбир файзли ўтди. Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, генерал-майор Даврон Назармуҳамедов пандемия шароитида фидойилик билан хизмат қилаётган, мукофотга лойиқ кўрилган ходимларга кўкрак нишонларини тантанали тарзда топширди.**





**Навоий вилоятида ҳам бир гуруҳ ички ишлар органлари ходимлари Президентимиз фармонига кўра, «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланди.**

**Вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Рустам Турсунов садоқат ва жасорат намунасини ўзининг амалий иш фаолиятида кўрсата олган 52 нафар ходимга кўкрак нишонларини тантанали тарзда топширди.**





«Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан тақдирланганлар қаторида Андижон вилояти ички ишлар органларининг бир гуруҳ фидойи ходимлари ҳам бор.

Вилоят ИИБда ушбу кўкрак нишонларини топширишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Азат Тасбаев мукофотланганларни қутлаб, уларга кўкрак нишонларини топширди.





Наманган вилоятида бўлиб ўтган тадбирда вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Одил Отахўжаев мукофотланган бир гуруҳ ходимларга «Меҳр-саховат» кўкрак нишонини тантанали вазиятда топширди.

Тақдирланганлар рўйхатида Норин тумани ИИБ Ташкилий бўлими бошлиғи вазифасида ишлаган марҳум майор Дилшод Бобоевнинг ҳам исм-шарифи бор эди. Бошқарма бошлиғи кўкрак нишонини марҳумнинг отаси Раҳимжон Бобоевга топшириб, унинг хотираси қалбларда абадий яшашини таъкидлаб ўтди.

«Меҳр-саховат» кўкрак нишонини топширишга бағишланган тадбир Қашқадарё вилояти ИИБда ҳам кўтаринки руҳда бўлиб ўтди. Мукофотларни вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Шуҳратжон Сотволдиев тантанали вазиятда топширди. Шунингдек, тадбир давомида бир гуруҳ ходимларга I, II ва III даражали «Ички ишлар органларида бенуқсон хизматлари учун» кўкрак нишони, эсдалик қўл соати ҳамда фахрий ёрлиқлар топширилди.





Жиззах вилояти ҳудудида хавфсизликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш билан бирга, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, табиий офатлар ва фавқулодда вазиятлар оқибатларини бартараф этишда фидойилик кўрсатган 50 нафар ички ишлар органлари ходимлари «Меҳр-саховат» кўкрак нишони билан мукофотланди. Кўкрак нишонларини вилоят ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Олимжон Абдуллаев топширди.

## СЎЗ – МУКОФОТ СОҲИБЛАРИГА

**Капитан Жасур МУҚИМОВ, Жиззах вилояти ИИБ тезкор вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди командирининг жанговар тайёргарлик бўйича ўринбосари:**

*– Коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш ҳамда «Сардоба» сув омборидаги табиий офат оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ хизматимизнинг Президентимиз томонидан эътироф этилганидан хурсандмиз. Бу мукофот эл осойишталигини таъминлашга доир вазифаларимизга янада катта масъулият билан ёндашишга, халқимизга садоқат билан хизмат қилишга ундайди. Бу бутун жамоамизнинг ютуғи, хизмат фаолиятимизнинг юксак эътироф этилгани демакдир.*

* * *

**Катта лейтенант Отабек РАҲИМОВ, Навоий вилояти ИИБ ППХ ва ЖТСБ ходими:**

*– Хизматларим эътироф этилиб, кўкрак нишони билан тақдирланишим қалбимни ғурур ва ифтихорга тўлдирди. Ватанни ҳимоя қилишдек шарафли касбнинг эгаси бўлишнинг ўзи ҳам мукофот, аслида. Ўйлайманки, соҳа вакиллари ватанпарварлик туйғусини ҳар нафасда ҳис этади. Шунга муносиб бўлишга интилишади. Бу эса улуғ бахт. Юртим осойишталигини кўз қорачиғидек асраш мен учун улкан саодатдир.*

* * *

**Подполковник Фарҳодбек МАХСУДОВ, Андижон вилояти ИИБ Тергов бошқармаси бошлиғининг ўринбосари:**

*– Бу йилги синовлар кўпчилик соҳа вакиллари қатори, биз, ички ишлар органлари ходимларидан ҳам икки ҳисса масъулият билан хизмат қилишни тақозо этди. Масъулият қанча кучли бўлмасин, танлаган касбимдан доим фахрланаман, касбдошларимга, халқимга нафим тегаётганидан мамнунман.*

*Юртимизда касбига садоқатли, фидойи инсонларнинг меҳнати эътибордан четда қолмайди. Менга ҳам Президентимиз фармони билан «Меҳр-саховат» кўкрак нишони берилди.*

*Бу мукофот нафақат менга, балки бутун жамоадошларимга хурсандчилик олиб келди. Келгусида бу ишончни оқлаш учун бор куч ва имкониятимни ишга солишга, Ватанимга садоқат билан хизмат қилишга ваъда бераман.*

ТИЛ – МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

# «ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШИМДА ОМОНУЛЛА МАДАЕВНИНГ ҲИССАСИ КАТТА БЎЛГАН»

Ўзбек тили. У биз учун она каби муқаддасдир. Жонажон тилимизда гаплашамиз, мулоқот қиламиз, шу тилда Мадҳиямиз янграйди, шу тил билан бир-биримизга меҳр улашамиз, ширин сўзлар ила яқинларимизнинг дардларига малҳам бўламиз... Шундай экан, она тилимизни кўз қорачиғидек асраб-авайлашимиз, унда равон ва аниқ сўзлашимиз даркор.

Ucell мобил алоқа компаниясининг раҳбари Владимир Кравченко билан бўлган суҳбатимиз ҳам тил хусусида бўлди.

**– Ассалому алайкум, Владимир Владимирович. Сизни кўпчилик Ucell мобил алоқа компаниясининг раҳбари ҳамда ўзбек тилида равон сўзлай оладиган инсон сифатида яхши билади. Айтинг-чи, она тилимизда сўзлашишни қаерда ўргангансиз?**

– Мактабда рус тилида таълим олганман. Тўққизинчи синфгача ўзбек тилини унчалик яхши билмасдим. Албатта, Тўқимачи маҳалласидаги ўзбек дўстларим билан ўйнаб, мулоқот қилиш учун шунинг ўзи етарли бўлган. Аммо ўзбек тилини маҳаллада ўрганганман, десам хато бўлмайди.

Болалигимда ўзбек тилида фикримни етказиб бера олардим холос. Тилни чуқур ўрганишни Ислом университети қошидаги академик лицейга кириш мақсадида бошладим. У ерда рус гуруҳлар йўқ эди. Шу сабабли ўзбек тилига эътиборни кучайтиришга тўғри келди. Ўзбек адабий тилини эса лицейда ўқиган дамларда пухта ўзлаштирдим. Академик лицейдан сўнг Халқаро Вестминстер университетига кирдим ва инглиз тилини чуқур ўргана бошладим.

**– Тил ўрганиш учун туғма қобилият керак, дейишади. Бу борада фикрингиз қандай?**

– Янгиланаётган Ўзбекистонда давлат тилини, қолаверса, бошқа тилларни ҳам ўрганиш бўйича барча имконият ва шароитлар яратилмоқда. Чет тилларини ҳамма ўрганиши мумкин. Бу борада муваффақиятга эришиш кўпроқ мотивацияга боғлиқ. Фикримча, тилни профессионал ўрганишни истаганлар – масалан, таржимонларга махсус қобилият ёки истеъдод керак бўлади. Бошқа ҳолатларда қатъий мақсад ва кучли интилиш етарли. Худди спортдагидек.

**– Мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш борасида кенг миқёсли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Айтинг-чи, тилни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун қандай омилларга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблайсиз?**

– Ҳар бир инсон ўзи яшаётган мамлакатнинг давлат тилини ҳурмат қилиши керак. Мен бу ерда қанақадир мажбурлаш ҳақида гапирмаяпман. Масалан, Россияда рус тилини билиш бўйича имтиҳон топширишади. АҚШда инглиз тилини билиш кераклигини эса ҳамма тушунади.

Тилга ҳурмат деганда, одатда, ўз она тилида гаплаша туриб, чет тилидаги сўзларни қўшмасликни тушунишади. Бу ҳам қайсидир маънода тўғри, аммо она тилига доғ тушириш – сўкиниш, қарғиш ва ҳар хил ҳақоратли сўзларни ишлатиш ҳам эканини кўпчилик, айниқса, аксарият ёшлар тушунишмайди. Ижтимоий тармоқлардаги баъзи постлар, айниқса, изоҳлар шунақанги «замонавий» тилда ёзилганки, уларни тушуниш учун ўзбек адабий тилига таржима қилишга тўғри келади.

Ўзбек тилини чуқурроқ ўрганмоқчи бўлган кўплаб русийзабонлар бир қанча муаммоларга дуч келишади. Масалан, улар яхши, замонавий дарслик,



сўзлашгичлар, малакали курсларнинг йўқлигидан нолишади. Давлат тилида сўзлашувчилар доирасини кенгайтириш учун бу каби масалаларни тезроқ ҳал қилиш керак.

**– Сизнинг ўзбек тилини чуқур ўрганишингизда кимлар устозлик қилган?**

– Менинг ўзбек тилини яхши ўрганишимга адабиётшунос олим, Тошкент Ислом университети қошидаги академик лицейнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, раҳматли домлам Омонулла Мадаев сабабчи бўлган. У менга худди ўзбек ўқувчиларга қарагандай қарарди. «Алпомиш» достонини худди бошқалар сингари ёддан айттирарди, ёнимни олиб, бошқалардан ажратмасди. Биз домла билан ҳатто Фарғона водийсига бориб, гуллаган ўрикларнинг соясида бахшилар мусобақаларини эшитганмиз.

Омонулла аканинг яхши маънода талабчанлиги ва ўзимнинг тиришқоқлигим боис бир йилда ўзбек тилидаги билимимни анча яхшилаб олдим. Домла менинг тақдиримда катта роль ўйнаган. Руҳлари шод бўлсин. Доим: «Сен кўпроқ шуғулланишинг, кўпроқ гапиришинг керак, сенга рус бўлганинг учун енгиллик бермайман» деб такрор-такрор айтарди. Шундай қилиб, уч йил давомида ўзбек дўстларим билан ўқиб-ўргандим, ўзбек тили муҳитига шўнғиб кетдим.

**– Бошқа тилда сўзлашувчи ёшларга ўзбек тилини ўрганиш бўйича қандай маслаҳатлар берган бўлардингиз?**

– Ўзбек тилидаги китобларни бошидан охиригача ўқиб чиқишни тавсия қилган бўлардим. Масалан, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романини. Бу тил билишингизда, ўрганишингизда катта қадам бўлади. Ушбу асар кўплаб тилларга таржима қилинган, жумладан, рус ва инглиз тилларига ҳам.

Ўзбек тилида ёзадиган блогерларнинг телеграм каналларини ўқиб бориш ҳам фойдадан холи эмас. Улар тезкор, қизиқарли ва қўрқмасдан ёзишади. Аммо интернетдаги «ўзбек тили»да ёзадиганларни эмас, адабий тилдаги матнларни ўқиш мақсадга мувофиқ.

Ўзбек тилида ўқиш одатга айланиши керак, бу муваффақият калитидир. Ҳатто кунига беш-ўн саҳифа ўқилса, бир йил ичида анча мунча китобни мутолаа қилиб чиқиш мумкин. Бундан ташқари, кўпроқ мулоқот қилиш, ўзбек тилидаги телекўрсатувлар, кинофильмларни томоша қилиш ҳам жуда фойдали. Бу сўз бойлигини оттиришга ёрдам беради.

**– Бугунги ички ишлар органлари ходимлари тўғрисида фикрларингиз...**

– Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жамиятимизда ички ишлар органларини том маънода инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоячисига айлантириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Мана, пандемия шароитида ушбу тизим ходимлари жонини хатарга қўйиб, сидқидилдан хизмат қилишганига гувоҳ бўлдик. Улар томонидан амалга оширилаётган эзгу ишлар оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ёритилаётгани аҳолининг соҳа вакилларига, қолаверса, давлат идораларига бўлган ишончининг янада ортишига замин яратмоқда.

Сўнгги йилларда ички ишлар органлари ходимининг обрўси кенг жамоатчилик олдида сезиларли даражада ошди. Улар оддий одамларга яқинлашди. Айтайлик, йўл ҳаракати хавфсизлиги инспекторлари 8 мартда, яъни Халқаро хотин қизлар кунида ҳайдовчи аёлларга гуллар совға қилиши одатий ҳолга айланиб қолган. Бунинг натижасида аҳолининг ички ишлар ходимларига бўлган ишончи ортаётганига гувоҳ бўлишингиз мумкин.

Карантин даврида муҳтожларга ёрдам берган, текинга тиббий ниқоб тарқатган, ҳомиладор аёлларни туғруқхонага ва янги туғилган чақалоқларни уйга олиб келган, йўллар ёпилган пайтда фавқулодда вазиятларга тушиб қолган йўловчиларга ёрдам берган ички ишлар органларининг фидойи, жасур, мард ходимларига миннатдорлик хабарлари кўпайиб бормоқда.

Ижтимоий тармоқларда, телеграм каналларида Ички ишлар вазирлиги ва унинг жойлардаги тузилмалари, хусусан, Тошкент ИИББ ходимларининг фаолияти очиқ ошкора ёритилаётгани кишини қувонтиради. Демак, улар ҳам замон билан ҳамнафас фаолият олиб боряпти. Бу жуда тўғри. Дунё бўйлаб ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари одамларга хизмат кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш учун ишлайди. Улар ўзлари хизмат кўрсатаётган ва ҳимоя қилаётган одамлар билан очиқ мулоқотда бўлишади. Бу жараённи ҳозир Ўзбекистонда ҳам кузатиш мумкин.

Бугунги кунда ички ишлар органлари ходимлари янгича дунёқараш, янгича тафаккур билан иш услубларини ўзгартириб, чуқур билимли, салоҳиятли ва янада фидойи бўлишга интиляпти. Бир сўз билан айтганда, ҳаётини юрт тинчлигини сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, барқарорликни таъминлашга бағишлаб, эл корига камарбаста бўлган осойишталик посбонларига ҳурматим чексиз.

**– Мазмунли суҳбат учун раҳмат.**

**Суҳбатдош: Хуршид РЎЗИЕВ, майор.**

**Тил билган – эл билади.** *Халқ мақоли*

# ТАЙИНЛАНДИЛАР



**Подполковник Утамбетов Сабит Абдижамилович**
Қораўзак тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Нукус шаҳар бўйича ИИОФМБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Билолохунов Нурилло Сайдуллоевич**
Балиқчи тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Асака тумани ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Хужамқулов Ғайрат Чориевич**
Қизириқ тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Музработ тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Мавлонов Аброржон Аъзамжонович**
Учкўприк тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Ўзбекистон тумани ИИБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Умаров Сардорбек Рахимжонович**
Асака тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Балиқчи тумани ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Турсунов Зафар Жомурадович**
Ғузор тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Қарши шаҳар бўйича ИИОФМБ бошлиғининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Валиев Дилмурод Хатамович**
Ангрен шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар Олмалиқ шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимида хизмат қилган.



**Подполковник Милиев Шухрат Акмалович**
Пискент тумани ИИБ бошлиғи лавозимига.
Тайинловга қадар ИИВ Жиноят қидирув бош бошқармаси бўлим бошлиғи лавозимида хизмат қилган.

ТАШАББУС

# «ХАВФСИЗ ҲУДУД»
## ИЖОБИЙ НАТИЖА БЕРАДИ

**Ҳозирги кунда йўл-транспорт ҳодисаларининг аксарияти ҳайдовчи ва пиёдаларнинг белгиланган қоидаларга амал қилмаётгани оқибатида рўй бермоқда. Шу сабабли Хоразм вилояти ИИБ ЙҲХБ ташаббуси билан Янгибозор тумани тажриба тариқасида «Хавфсиз ҳудуд» деб эълон қилиниб, ҳудудда автоҳалокатларнинг олдини олиш мақсадида тегишли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**





Туман ҳудудидаги автомобиль йўлларида ҳаракатланиш интизомини мустаҳкамлаш, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ва йўл транспорт-ҳодисаларининг олдини олиш бўйича назорат ишлари янада кучайтирилди. Йўл ҳаракати билан боғлиқ бўлган барча масалалар атрофлича ўрганиб чиқилди ва қилиниши лозим бўлган вазифалар «Йўл харита»сига киритилди. Жумладан, Урганч – Шовот автомобиль йўлининг 11-километрида 2 та, Урганч – Гурлан автомобиль йўлининг тегишли жойлари ҳамда туман марказий кўчаларига 14 та маёқча ўрнатилди. Шу билан бирга, давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларига 4 та кузатув камераси ўрнатилиб, транспорт воситаларининг ҳаракати бевосита Йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси навбатчилик қисмидан кузатиб бориш имконияти яратилди.

Пиёдалар билан боғлиқ йўл-транспорт-ҳодисалари содир этилишига йўл қўймаслик мақсадида пиёдалар йўлакчаларини қуриш ва ҳудудларни тунги вақтларда ёритиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратиляпти. Туман ҳокимлиги ва йўл қурилиши ташкилоти билан ҳамкорликда жорий йилнинг ўтган даврида 340 та ёритиш чироғи ўрнатилди. Бу жараён давом этмоқда.



Қолаверса, автомобиль йўлларининг инфратузилмасини ривожлантириш, ҳаракат иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 80 та янги йўл белгиси ўрнатилди ва 3600 квадрат метрдан ортиқ пиёдалар йўлакчаси таъмирланди. Айни пайтда автомобиль йўллари, хиёбонлар, автошоҳбекатлар, бозорлар ва аҳоли кўп тўпланадиган жойларга ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи 3х6 ҳажмдаги 4 та панно, халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларининг машиналар юқори тезликда ҳаракатланадиган ҳудудларига 2 та патруль машинаси муляжи, 14 та маёқча ҳамда автомобиль йўлларининг қатнов қисми яқинида жойлашган мактаблар олдига «Ўқувчи пиёда» макетлари ўрнатилди.

Болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш мақсадида тумандаги 26-умумтаълим мактабида «Намунали ҳаракатланиш синф хонаси» ташкил этилди. Бу ерда вилоят ИИБ ЙҲХБнинг тажрибали мутахассислари ҳар ойда 4 маротаба ўқув машғулотлари олиб боришади.

– «Хавфсиз ҳудуд» тадбири доирасида оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди Янгибозор тумани ИИБ ЙҲҲГ катта инспектори, катта лейтенант Умидбек Эгамов. – Тегишли ташкилотлар вакиллари билан ҳамкорликда маҳаллаларда, корхона ва ташкилотларда карантин қоидаларига риоя этган ҳолда, кўплаб тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Бу каби тадбирларда содир этилган йўл-транспорт ҳодисаларини атрофлича муҳокама қилиш билан бирга, жойларда сайёр суд йиғилишлари ҳам ўтказилиб, айбдорларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланмоқда.

«Хавфсиз ҳудуд» ташаббуси доирасида олиб борилаётган ишлар, албатта, ўзининг ижобий натижасини беради. Бунга асло шубҳа йўқ.

**Худойберган ЖАББОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

**Суратларда:** *вилоят ИИБ ЙҲХБ ташаббуси билан Янгибозор тумани ҳудудида ўтказилаётган «Хавфсиз ҳудуд» тадбиридан лавҳалар.*

**Саъдулла АБДУЛЛАЕВ**
**олган суратлар.**

## ЮКСАК МУКОФОТ СОҲИБЛАРИ

# «Фидойи ва тажрибали устозларнинг шогирди бўлганимдан доимо фахрланаман»



Майор Тўлқин Итоқов – «Содиқ хизматлари учун» медали соҳиби



**Тўлқин Итоқов Тошкент давлат авиация институтини тамомлагач, Қоровулбозор тумани ИИБ профилактика инспектори лавозимида илк фаолиятини бошлади. Орадан олти ой ўтиб, хизматни Қоракўл тумани ИИБда давом эттирди. Бу ерда ўн етти йил профилактика хизмати соҳасида ишлаган майор Т. Итоқов ички ишлар органларидаги танлови ўринли бўлганлигидан ғурурланади. Шу йиллар ичида тумандаги ўндан ортиқ маҳалла фуқаролар йиғинида профилактика инспектори ва катта инспектори лавозимида хизмат қилди.**

Кейинги икки йил ўзи туғилиб ўсган Олот тумани ИИБда профилактика катта инспектори вазифасида фаолият юритганини ҳисобга олмаганда, ҳар доим қоракўлликлар орасида юриб, муаммоларига ечим топиб, қувончларига шерик бўлиб келди. Шу йилнинг апрель ойидан бошлаб, Қоракўл тумани ИИБ ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси бошлиғи лавозимида хизмат қилмоқда.

– Хизматда қандай ютуқларга эришган бўлсам, биринчи навбатда, устозларимнинг, айниқса, истеъфодаги майор Элмурод Рўзиев ва истеъфодаги капитан Дилмурод Ашуровларнинг ғамхўрликлари ва талабчанликлари туфайлидир, – дейди майор Т. Итоқов. – Улар касбга сидқидилдан, фидойилик билан ёндашсанггина муродингга етасан, деб уқтиришарди. Ана шундай фидойи ва тажрибали устозларнинг шогирди бўлганимдан доимо фахрланаман, улардан бир умр миннатдорман.

Т. Итоқов вилоят ҳамда туман ҳудудида ўтказиб келинаётган кенг қамровли тезкор-профилактик тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Жамоат тартибини сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишда ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Бундан ташқари, майор Т. Итоқов профилактика инспекторларининг фаолиятини услубий таъминлаб, ишни тўғри ташкил қилгани боис ўтган саккиз ой давомида 564 нафар шахс муқаддам маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир қилганлиги учун профилактик ҳисобга олинди. Шундан 127 нафари муқаддам судланган. Судланиш аломатига кўра, маъмурий назорат таъсири остига тушувчи 70 нафар муқаддам судланганлардан 51 нафарига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилди, 32 нафар маъмурий назорат қоидаларини доимий равишда бузиб келган муқаддам судланган шахсга нисбатан ҳужжатлар расмийлаштирилиб, судга юборилди.

Шунингдек, у туман аҳоли билан ўтган давр мобайнида 23 маротаба учрашув, 27 маротаба жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш борасида тадбирлар ўтказиб, содир этилаётган жиноят ва ҳуқуқбузарликлар тафсилотлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, шарт-шароитлари тўғрисида тушунтириш ишлари олиб борди.

Ҳар ишда намуна бўлаётган ходимнинг хизмат фаолиятидан бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Унинг шиори ҳам барча ходимлардек бир хил: ҳар бир ишга ўта масъулият билан ёндашиш, эришилган натижалар билан қаноатланмасдан, доимо олға интилиш...

Меҳнат қилган элда азиз. Майор Тўлқин Итоқовнинг осойишталикни сақлаш, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб бораётган ишлари Ички ишлар вазирлиги ва вилоят ИИБ томонидан бир неча бор муносиб тақдирланди. Яқинда у Президентимиз фармонига биноан, «Содиқ хизматлари учун» медалига сазовор бўлди. Бу юксак мукофот унинг фидокорона хизматига берилган муносиб баҳодир.

**Мирзоқул АҲАДОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Бухоро вилояти.*

**Муаллиф олган сурат.**

## ФАХРИЙЛАР – ФАХРИМИЗ

# ҲАМОН ЭЗГУ ИШГА КАМАРБАСТА



*Ўқитувчилар хонасига кириб келган Нозим Маҳамматов ички ишлар органлари ходими формаси ярашиб турган собиқ ҳамкасби Эргаш Жиянлиевни кўриб қувониб кетди. Бир зумда уларнинг суҳбати қизигандан қизиди. Гап орасида унга «Билимли ва ташкилотчисан, соҳага шундай одамлар керак, ўйлаб кўр», дея ички ишлар органлари сафига ўтишга таклиф қилди.*

Бу гаплар унинг хаёлидан кетмай қолди. Ўрмон хўжалигида ишловчи отасига ниятини маълум қилганида, «Ўғлим, эплай олсанг, омадингни берсин одамларнинг тинчини асраш улуғ иш», деганича қўлини дуога очди.

Шундай қилиб, Фориш туманидаги Илончи қишлоғида туғилиб ўсган Н. Маҳамматов 1977 йилда вилоят Ички ишлар бошқармасига ҳужжатларини топширди. Кўп ўтмай, фаолиятини вилоят ИИБ Кадрлар бўлимида инспекторликдан бошлади.

Ҳалол, масъулиятли, ҳар бир ишни виждонан бажарадиган, ташкилотчи Нозим Маҳамматов 1982 йилда Кадрлар бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимига тайинланди. Шу йили ИИВ Тошкент олий мактабига сиртдан ўқишга кирди. Ўқув юртини тамомлагач, унга Ғаллаорол тумани ИИБ давлат мулкини талон-торож қилишга қарши курашиш бўлими бошлиғи лавозимини ишониб топширилди.

Хизмат Н. Маҳамматовни чиниқтирди, малакасини оширди, иродали ва интизомли ходимга айлантирди. Шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлашни ўз тақдири деб биладиган инсонларни бошқаришни ўрганди. Чунончи, вилоят ИИБ Кадрлар ва Жамоат тартибини сақлаш бўлимларини, Бахмал тумани ички ишлар бўлимини бошқарди.

2001 йилда Жиззах вилояти ИИБ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати бошлиғининг ўринбосарлигига тайинланган Н. Маҳамматов 2007 йилда полковник унвонида истеъфога чиқди. Аммо ҳаётини соҳадан айро ҳис қила олмади. Бошқармага тез-тез келиб турар, ёш ходимлар билан тажрибасини



ўртоқлашарди. Шу боис 2008 йилда вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раислигига Нозим Маҳамматов номзоди кўрсатилди. Мазкур таклифни фахрийлар бирдек қўллаб-қувватлашди. Мақоламиз қаҳрамони бу вазифани 2019 йилгача бажарди. У айни вақтда вилоят ИИБ бошлиғининг маслаҳатчиси.

– Ажойиб раҳбар, ташкилотчи инсон Нозим Маҳамматов қайси лавозимда хизмат қилган бўлса, ўша жойда хизмат интизоми ва қонунийлик устувор омилга айланарди, – дейди вилоят ИИБ фахрийлар кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Ботир Муродов. – У бошчилик қилаётган шахсий таркибнинг асосий эътибори фуқароларнинг ариза ва шикоятларига қаратилар эди. Табиийки, шунга мос равишда жиноятчиликка қарши курашга оид кўрсатгичлар яхшиланарди. Нозим Маҳамматов ишлайдиган одамни эъзозлайди, унинг ўткир нигоҳидан ходим хизматидаги озгина ўзгариш ёки оилавий шароити четда қолмасди ва тегишли ёрдам кўрсатиларди. Шу сабабли уни ҳамма бирдек ҳурмат қилади, кўпчилик ўзига устоз, деб билади.

Нозим Маҳамматов вилоят ИИБ тарихи музейи ташкил этилишига ҳам катта ҳисса қўшган. Тизим фаолиятига оид 1500 дан ошиқ экспонатга эга музей ёш ходимлар, фахрийлар ҳамда ИИВ Жиззах академик лицейи ўқувчиларининг севимли гўшаларидан бирига айланган.

Айтганча, унинг фарзандларидан бири Ўткир Маҳамматов ота изидан борди. У соҳада самарали фаолият кўрсатиб, подполковник унвонида пенсияга чиққан. Нозим бобо набиралари орасидан ҳам ички ишлар органлари ходимлари етишиб чиқишига ишонади.

– Ҳозирда ички ишлар органлари тизимида улкан ўзгаришлар юз бераётганига гувоҳ бўлиб турибмиз, – дейди истеъфодаги полковник Нозим Маҳамматов. – Соҳа вакилларининг жиноятчиликка қарши курашиш баробарида қонунбузарликларнинг олдини олиш борасидаги масъулияти ортганлиги хизматга ёндашувни ўзгартиришни тақозо этмоқда. Ходимларнинг интеллектуал, жисмоний ва жанговар салоҳиятини ошириш, ижтимоий ҳимоя қилиш, тизим моддий-техника базасини кучайтириш борасида ҳам самарали ишлар қилинмоқда.

Хулоса қиладиган бўлсак, истеъфодаги полковник Нозим Маҳамматов ҳамон сафда, юрт осойишталигини сақлашдек эзгу ишга муносиб ҳиссасини қўшмоқда.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Жиззах вилояти.*

## НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ



**В целях достойного поощрения сограждан, внесших существенный вклад в борьбу с глобальной пандемией и устранение последствий различных стихийных бедствий и чрезвычайных ситуаций, всестороннюю поддержку социально уязвимых слоев населения и превращение этой работы в общенародное движение, явивших для всех пример благотворительности и совершения добрых дел, а также активно участвующих в укреплении атмосферы мира, спокойствия, дружбы и согласия в обществе, большая группа соотечественников награждена нагрудным знаком «Мехр-саховат», в соответствии с Указом Президента Республики Узбекистан от 26 августа 2020 года.**

**Среди удостоенных высокой награды – преданные своему делу и служебному долгу сотрудники органов внутренних дел. В эти дни в их честь в территориальных подразделениях проводятся торжественные мероприятия.**

# ТРУД ВО БЛАГО ОТЧИЗНЫ НЕ ОСТАЕТСЯ НЕЗАМЕЧЕННЫМ



В ГУВД г. Ташкента состоялось торжественное мероприятие по случаю вручения 127 сотрудникам отраслевых служб нагрудных знаков «Мехр-саховат», которые наряду с исполнением прямых обязанностей – обеспечением правопорядка в стране, проявили мужество и отвагу в период пандемии коронавируса, а также во время устранения последствий стихийных бедствий и чрезвычайных ситуаций.

По окончании мероприятия своими впечатлениями поделился старший следователь Следственного управления при ГУВД г. Ташкента старший лейтенант Аброр Кулматов:



– Верно, без надежных друзей приходится нелегко. Это я понял в годы учебы в Академии МВД. В период карантина вместе со следователями СО и сотрудниками отраслевых служб УКД ОВД Бектемирского района был привлечен к службе на стационарных постах ДПС, мы контролировали соблюдение режима самоизоляции, оказывали адресную помощь нуждающимся семьям и тем, кто остался без работы и средств к существованию. Рад, что приношу пользу моему народу. Искренне признателен руководству страны и ГУВД за оказанные честь и доверие.



109 сотрудников ГУВД Ташкентской области награждены нагрудным знаком «Мехр-саховат».

Начальник Главного управления внутренних дел столичной области полковник Тохир Арипов поздравил награжденных. Особо отметив их заслуги в период пандемии, он подчеркнул, что они достойны признания, так как проявили в дни испытаний смелость и отвагу.



49 сотрудникам органов внутренних дел Самаркандской области, особо отличившимся в период борьбы с коронавирусной инфекцией, вручены нагрудные знаки «Мехр-саховат».



Награду в торжественной обстановке вручил начальник УВД Самаркандской области полковник Шавкат Рахмонов.

Среди награжденных был и сотрудник мобильного отряда особого назначения УВД Самаркандской области – старший сержант Шокир Маннонов.

– Воспринимаю награду как аванс для будущих достижений. Приложу все силы к тому, чтобы не подвести своих коллег и руководство, – говорит Шокир Маннонов.

Пандемия коронавируса, наводнение в Сырдарьинской области, стихийные бедствия и чрезвычайные ситуации стали проверкой на прочность для страны. В такие сложные периоды первыми на помощь приходят сотрудники правоохранительных органов, стражи порядка. С присущими нашему народу милосердием, добротой, щедростью души и благородством они поддерживали тех, кто оказался в непростой ситуации, являя пример для других.



Среди самоотверженных стражей порядка, получивших нагрудные знаки «Мехр-саховат», – 44 сотрудника органов внутренних дел Бухарской области.

16 сентября текущего года в УВД Бухарской области состоялось торжественное заседание, посвященное вручению нагрудных знаков. Начальник УВД области полковник Ш. Алиев поздравил награжденных и пожелал им оставаться достойными высокого доверия.



Postda
На посту



# ҚЎШСАҲИФАДА –



**Шукрки, бугун юртимизда осойишталик ортидаги фароҳбахш муҳит ҳукм сурмоқда. Кўп миллатли халқимизнинг хавфсизлиги ва тинчлигини таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган ишлар ўз самарасини бермоқда. Буни вилоятимиз ички ишлар органларининг ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда олиб бораётган фаолияти ва эришилаётган ижобий натижалар мисолида ҳам кўриш мумкин.**

# МУШТАРАК МАҚСАД ЙЎЛИДА



Вилоят Ички ишлар бошқармаси ва унинг қуйи тизимидаги ходимлар вилоят ҳудудида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш, содир этилган жиноятларни ўз вақтида очиш мақсадида туну кун хизмат олиб боришяпти. Бунинг натижасида жорий йилнинг 8 ойи давомида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан жиноятчиликнинг айрим турлари, хусусан, қасддан одам ўлдириш, босқинчилик, транспорт воситасини олиб қочиш, ўлим билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари сони камайишига эришилди. Шунингдек, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар 17,9 фоизга, гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар 35,5 фоизга камайди. Жиноят қидирув йўналишидаги кўрсаткич эса 2,7 фоизга яхшиланди.

Вилоят ИИБ ЖҚБ Гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга қарши курашиш бўлими томонидан шу кунга қадар 180 та жиноий ҳолат аниқланиб, ноқонуний йўллар билан пул топишни ўзига касб қилиб олган оғуфурушлардан жами 76 килограмм 836 грамм миқдордаги гиёҳвандлик моддалари тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинди. «Қорадори–2020» тезкор профилактик тадбирлари давомида эса 93 нафар фуқаро тақиқланган гиёҳвандлик ўсимликларини етиштиргани аниқланди ва уларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Жиноятчилик камайишига эришиш учун унинг олдини олишдан ташқари, қилган жинояти учун жазоланган фуқароларни қайта тарбиялаш, ҳаётда ўз йўлини топиб олишида уларга яқиндан кўмак бериш зарур. Бу борада қилинган ишлар вилоят ички ишлар органлари пробация хизмати ҳисобида туриб, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни ўтаётган маҳкумлар билан олиб борилаётган профилактик тадбирларда ўзининг яққол ифодасини топмоқда.

Жорий йилнинг 8 ойи якунига кўра, пробация бўлимида 3100 нафар назорат остидаги шахс ҳисобда бўлиб, уларнинг қайта жиноят содир этиш хавфини аниқлаш ва бунга йўл қўймаслик бўйича олиб борилган профилактик чора-тадбирлар натижасида 2790 нафари тузалиш йўлига ўтди. Меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, тузалиш йўлига қатъий ўтган 852 нафар маҳкум судлар томонидан ўталмай қолган жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод этилди.



Қолаверса, назорат остида турган ҳар бир шахснинг яшаш ва иш жойлари ўрганиб чиқилди. Ўрганиш давомида 188 нафар назорат остидаги шахснинг ижтимоий кўмакка муҳтожлиги аниқланиб, улардан 65 нафарига ишга жойлашиши учун амалий ёрдам кўрсатилди. 91 нафарига моддий жиҳатдан, 32 нафарига соғлиғини тиклаш, паспорт олиш ва бошқа масалаларда кўмаклашилди.

Тизимда хизмат олиб бораётган ходимларнинг малакасини ошириш бугунги кунда муҳим саналади. Негаки, ҳозирги тезкор замонда жараёнларга мослашиш, қолаверса, соҳадаги ислоҳот ва ўзгаришлардан бохабар бўлиш талаб этилади. Шу боис ҳозирги кунга қадар ИИВнинг режа-тақсимотига асосан, 62 нафар ходим малакасини ошириб, 24 нафари қайта тайёрлаш курсларида таҳсил олди.

Ўз касбини севадиган, вазифасига сидқидилдан ёндашадиган фидойи ходим ўзига ҳам, жамоасига ҳам обрў келтиради. Бундай ходимларни бошқаларга ўрнак қилиб кўрсатиш, меҳнатини муносиб тақдирлаш мақсадга мувофиқ. Хизмат фаолиятида кўплаб ютуқларга эришган ана шундай ходимлардан 17 нафари кўкрак нишони билан тақдирланган бўлса, 55 нафари фахрий ёрлиқ, қимматбаҳо соат ва турли миқдордаги пул мукофотлари билан рағбатлантирилди.

Ҳозирги кунда вилоятдаги учинчи секторлар ҳудудида тизимли ишлар йўлга қўйилиб, асосий эътибор фуқароларнинг бандлигини таъминлашга қаратилмоқда. Жумладан, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг меҳнатга лаёқатли аъзоларидан 10052 нафари маҳаллий ҳокимликлар, бандлик ҳамда бошқа мутасадди идора ва ташкилотлар ҳамкорлигида ишга жойлаштирилди.

Бундан ташқари, ушбу оилаларга «Саховат ва кўмак» умумхалқ ҳаракати доирасида жорий йилнинг 10 июнь кунидан буён жами 9 миллиард 964 миллион сўмликдан ортиқ ёрдам кўрсатилди. Шундан 1036 та оилага 270 миллион 819 минг сўмлик 13 турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари тарқатилди, 36 та оиланинг коммунал қарзлари тўлаб берилди. Яна 249 тасига дори-дармон етказиб берилган бўлса, 270 та хонадонга чорва моллари тарқатилди.

Хуллас, бугун вилоят ички ишлар органлари ходимлари муштарак мақсад йўлида ҳамжиҳат бўлиб, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқ-эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, керак бўлса, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳудудда жамоат тартибини сақлашда фидойилик билан хизмат қилишмоқда. Бундан кўзланган мақсад эса халқимизнинг осуда, тинч ва фаровон яшашини таъминлашдир.

**Абдувоҳид ИСМОИЛОВ,**
**Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғи, полковник.**





# СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

**Терговчи тарози палласига қўйиладиган тош мисолидир. Чунки жиноятга холис, ҳаққоний ва қонуний баҳо бериш унинг зиммасига тушади. Агар терговчи ишга холис ёндашмаса, айбсиз одам айбдорга айланиб қолиши ҳеч гап эмас. Сурхондарё вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармаси ҳамда унинг қуйи бўғинларида бу масалага жиддий эътибор қаратилиб, жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича сезиларли натижаларга эришилмоқда.**





## ХОЛИСЛИК – АСОСИЙ МЕЗОН

Бошқарма томонидан жорий йилнинг 8 ойи давомида 1238 та жиноят иши иш юритувига олинган бўлиб, уларнинг қарийб 70 фоизи тамомланди. Тамомланган



ишларнинг 643 таси айблов хулосаси ва айблов далолатномаси билан, 84 таси томонларнинг ярашганлиги муносабати билан, шунингдек, 4 таси амнистия акти асосида тугатилди. Мазкур ишлар доирасида фуқаролар ва давлатга етказилган 6 миллиард 250 миллион 853 минг сўм моддий зарар ундирилди.

Ўтган вақт давомида ходимларимиз самарали фаолият олиб бориши учун шароит яратилиб, уларнинг моддий ва ижтимоий ҳимояси кучайтирилди. Жумладан, Термиз шаҳар, Термиз, Олтинсой, Шеробод ва Қизириқ туманлари тергов бўлинмалари қайта жиҳозланиб, замонавий талабларга мос кўринишга келтирилди. Тергов бошқармасида эса махсус тергов хонаси ва вояга етмаганларни сўроқ қилиш хонаси ташкил этилди.

ИИВ ҳузуридаги Тергов департаменти томонидан берилган тергов ҳаракатлари ўтказиш учун махсус жиҳозланган «Газель» русумли хизмат автомашинасидан воқеа жойига чиқиш ҳамда жиноятларни «иссиқ изида» очишда самарали фойдаланилмоқда.

Рағбат – фаолият самарадорлигининг асосий омилларидан бири. Жорий йилнинг ўтган даврида оғир ва ўта оғир жиноятларни намунали фош этгани, тергов қилгани учун 38 нафар терговчи ва суриштирувчи энг кам ойлик иш ҳақининг тўрт баравари миқдорида бир марталик пул мукофотлари билан тақдирланди. Яна 37 нафар терговчи ва суриштирувчи Ички ишлар вазирлиги ҳамда вилоят ИИБ раҳбарияти томонидан фахрий ёрлиқ, пул мукофоти ва кўкрак нишонлари билан рағбатлантирилди.

**Комилжон ГАФФАРОВ,**
**полковник.**

## ҲАМКОРЛИКНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАСИ

**Айни пайтда вилоятнинг Термиз шаҳри ҳамда Денов туманлари аҳолиси нисбатан кўп бўлганлиги туфайли мазкур ҳудудларда жамоат тартибини сақлашда профилактика инспекторларига 133 нафар ёрдамчи бириктирилган. Улар жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича профилактика инспекторларига яқиндан кўмак бериб келишяпти.**

Жойларда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда кўплаб амалий ишлар қилинмоқда. Натижада жорий йилнинг ўтган даврида мавжуд 721 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 167 тасида жиноятлар камайди, 422 тасида эса умуман содир этилмади.

Ички ишлар органлари тизимида профилактика инспекторлари томонидан маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортишдан олдин тазйиқ ва зўравонликка дуч келган хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида ҳимоя ордерлари берила бошланганидан хабарингиз бор. Вилоятимизда ҳам ўтган 8 ой мобайнида 292 нафар хотин-қизга ҳимоя ордерлари берилди. Бу, ўз навбатида, оилалардаги жанжалларни камайтириш, осойишталикни сақлашга, шунингдек, аёлларнинг мақеини тиклашга ёрдам бермоқда.

Профилактика инспекторлари оддий фуқаролардан ташқари, жазони ижро этиш жойларидан озод этилган шахслар билан ҳам мунтазам суҳбатлар олиб боришади. Уларга нисбатан маъмурий назорат ўрнатилишида тегишли профилактик чораларни кўради. Ҳозирги кунда вилоят ҳудудида 640 нафар муқаддам судланган шахслар томонидан такроран жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида уларнинг 451 нафарига нисбатан судлар томонидан маъмурий назорат ўрнатилишига эришилди. Соғлиқни сақлаш муассасалари ҳисобида турувчи 1962 нафарини эса жойлардаги тиббиёт бирлашмалари билан ҳамкорликда даволаш муассасаларига жойлаштиришда кўмаклашилди.

**Шавкат ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**подполковник.**

**Кўнгилда эзгулик бўлса, биродарлик йўқолмайди. Яхши кунда ҳам, синовли дамларда ҳам бир-биримизга елкадош, суянчиқ бўлиш бахтидан бенасиб қолмаймиз. Ангор тумани ИИБ ходимлари ҳам кечаю кундуз эл хизматига камарбаста. Постларда, кўчаларда, жамоат жойларида тик оёқда туриб, ўз хизмат бурчини ўтамоқда.**

## БЕЛИ МАҲКАМ ЙИГИТЛАР

Туман ҳудудида 32 та «Жамоатчилик назорати» маскани ташкил этилган. Бу назорат масканларида аҳоли бандлигига кўмаклашиш маркази билан ҳамкорликда меҳнат шартномалари тузилиб, тунги вақтларда ҳам узлуксиз фаолият олиб боріляпти. Жорий йилнинг 8 ойи давомида туманимиздаги 20 та маҳаллада бирорта ҳам жиноятчилик қайд этилмагани, бир нечта ўғирлик жинояти «иссиқ изида» фош қилингани бунинг натижасидир.



Шу билан бирга, туман ИИБ ходимлари кўмакка муҳтожларни ҳам, муаммоси борларни ҳам эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Уларнинг ҳолидан хабар олиниб, муаммоларга ечим топилмоқда. Жумладан, 11 та маҳалладаги 444 нафар фуқарога пандемия даврида 645 миллион 336 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Хусусан, 256 та оилага озиқ-овқат маҳсулотлари, 19 та оилага қорамол, 89 та оилага парранда, 70 та оилага дори-дармон тарқатилди. Ғалладан бўшаган майдонлардан 34 та оилага 30 сотиҳдан ер ажратиб берилди.

Бир марталик моддий кўмак камбағални бой қилиб қўймайди. Бу унинг бир-икки ҳафталик қозонини қайнатар, аммо доимий даромад манбаига эга бўлиш учун берилаётган ёрдам уларни камбағалликдан чиқариши мумкин. Шу ақидага амал қилган ҳолда, камбағал оилалардаги ишсиз 589 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришдик.

Ангорликлар иссиқхонада сабзавотдан тортиб цитрус мевагача етиштиришнинг ҳадисини олган. Бу тажрибадан унумли фойдаланиш мақсадида сектор ҳудудидаги 17 та кўмакка муҳтож оилага иссиқхона қурилиб, 22 тасига турли сабзавот кўчатлари олиб берилди.

Бу туманнинг бир ҳудудидаги ҳолатдан намуна, холос. Ваҳоланки, бугун бундай ишлар бутун мамлакат бўйлаб қулоч ёймоқда. Буларнинг бари шу тупроқ, шу заминда яшаётган халқимиз учун қилинмоқда. Юртда неки эзгу иш, ўзгариш, янгиланиш бўлса, ички ишлар органлари ходимларининг бели ҳамиша маҳкам боғланган. Улар сафида Ангор туман ИИБ ходимлари ҳам бор. Бундан биз чексиз фахрланамиз ва эл тинчлиги, фаровонлиги йўлида бундан кейин ҳам фидойилик билан хизмат қиламиз.

**Ғолиб БАДАЛОВ,**
**майор.**

**Қўшсаҳифа материалларини ўз мухбиримиз Феруза РАҲМОНҚУЛОВА тайёрлади.**

УРОК ДУХОВНОСТИ И ПРОСВЕЩЕНИЯ

# ЯЗЫК – БЕСЦЕННОЕ СОКРОВИЩЕ НАЦИОНАЛЬНОГО СОЗНАНИЯ

**Что определяет страну? Ее культура, традиции, история, жители и, несомненно, язык. Ведь не зря говорят: «Без языка есть люди, а народа нет, нет нации».**



**Саодат МУХАМЕДОВА, зав. кафедрой Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы им. Алишера Навои, доктор филологических наук, профессор.**














Язык – неотъемлемый признак государственности и связующее звено передачи знаний через поколения. Развиваясь, обогащаясь новыми словами, он отражает непрерывную устремленность общества вперед, прогресс науки, гуманитарного знания, технической мысли.

По данным ЮНЕСКО, в мире насчитывается порядка 7 тысяч языков, среди них около 400 имеют свою письменность, а 178 – государственный статус, и в их числе узбекский язык. Президент Шавкат Мирзиёев, выступая на торжественном собрании, посвященном 30-летию придания узбекскому языку статуса государственного, отметил: «Узбекский язык, один из древних и богатых языков мира, является для нашего народа символом национального самосознания и государственной независимости, огромной духовной ценностью… История узбекского языка, входящего в большую семью тюркских языков, неразрывно связана с многовековой историей, стремлениями и чаяниями, горестями и потерями, достижениями и победами нашего народа. Именно родной язык был для наших предков главным фактором национальной самоидентификации. На этом языке они создавали величайшие образцы культуры, научные открытия, художественные шедевры».

Огромны заслуги великого Алишера Навои в формировании узбекского литературного языка, заложившего его основы, достойно поднявшего его статус, создавшего на нем бессмертные произведения. Мы чтим наших прославленных предков – писателей, ученых, проявивших духовное мужество, самоотверженность ради сохранения и развития родного языка. Мы помним слова выдающегося педагога и просветителя Абдуллы Авлони о том, что жизнь любого народа, как в зеркале, отражается в его национальных языке и литературе.

Узбекский язык распространяется по всему миру. Его изучают почти в 60 университетах и более чем 100 школах США, Великобритании, Германии, Франции, Швеции, России, Украины, Китая, Японии, Южной Кореи, Индии, Турции, Афганистана, Азербайджана, Таджикистана, Казахстана, Туркменистана, Кыргызстана. Растет число зарубежных ученых и исследователей, ведущих научные изыскания в области узбекского языка и литературы.

Важным шагом в деле дальнейшего продолжения работы по обеспечению полноценного внедрения в стране государственного языка стало издание Указа Президента страны «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка как государственного языка» от 21 октября 2019 года. В соответствии с Указом в настоящее время активно осуществляется мониторинг за соблюдением законодательства о государственном языке, внедряются эффективные формы общественного контроля в данной сфере, принимаются действенные меры по широкому использованию возможностей государственного языка во всех сферах социальной жизни страны, в том числе государственном управлении, современных и инновационных технологиях, промышленности, банковско-финансовой системе, юриспруденции, дипломатии, военном деле и иных сферах. Особое внимание уделяется совершенствованию системы обучения государственному языку в образовательных учреждениях, обеспечению занятия государственным языком достойного места в области информационных и коммуникационных технологий.

Народ, уважающий родной язык, с уважением относится и к языкам других народов. Владение в совершенстве родным языком и изучение других духовно обогащает человека. Образовательные учреждения и средства массовой информации нашей страны наряду с узбекским языком осуществляют свою деятельность также на каракалпакском, русском, казахском, кыргызском, таджикском и туркменском языках. С каждым днем повышается интерес молодежи к изучению иностранных языков, для этого созданы все условия. В республике работает множество специальных курсов по изучению английского, немецкого, французского, китайского, японского, корейского и других языков.

Сегодня Узбекистан находится на новом этапе развития и последовательно реализует задачу: «От национального возрождения – к национальному прогрессу». Государственный язык выполняет важную миссию: объединяет людей, проживающих в стране, служит интеграции происходящих процессов. За прошедшие годы узбекский язык стал для представителей более чем 130 наций и народностей, живущих в Узбекистане единой семьей, духовной опорой, на которой зиждутся согласие и мир в нашем обществе.

НАГРАЖДЕННЫЕ РОДИНОЙ



# «ИЩИТЕ В ЖИЗНИ ХОРОШИЕ МОМЕНТЫ, ОНИ ЕСТЬ У КАЖДОГО»

**В нынешнее непростое время мы в основном заняты заботой о собственном здоровье, состоянии родных и близких. Но есть и такие люди, которые берут на себя ответственность за тех, кто нуждается в помощи и поддержке. В их ряду сотрудники органов внутренних дел.**





**Инспектор ДПС третьей мобильной группы УБДД МВД Республики Каракалпакстан младший сержант М. Ережепов. Награжден медалью «Шухрат»**

Недавно, согласно Указу Президента нашей страны, группа стражей порядка за доблестный труд была награждена различными орденами и медалями. В их числе инспектор ДПС третьей мобильной группы УБДД МВД Республики Каракалпакстан младший сержант М. Ережепов.

За его плечами 17 лет самоотверженной службы. Ответственный и инициативный сотрудник был отмечен нагрудными знаками: в 2018 году – «Аъло хизматлари учун», в 2019-м – «Бенуқсон хизматлари учун».

В течение трех месяцев младший сержант М. Ережепов вел непрерывную службу на блокпостах, организованных с целью сдерживания распространения коронавирусной инфекции на территории нашей страны. Беседовал с гражданами о необходимости соблюдения правил карантина. Он оформил 48 протоколов в отношении водителей, не соблюдавших установленные требования, выявил свыше 663 случаев нарушения ПДД, 478 грубых нарушений, 12 фактов управления транспортным средством в нетрезвом состоянии, 16 случаев передвижения на запрещающий свет светофора, 98 нарушений правил перевозки пассажиров.

– Услышал новость о присвоении мне высокой награды, когда был на службе, – говорит инспектор ДПС третьей мобильной группы УБДД МВД Республики Каракалпакстан младший сержант Марат Ережепов. – Позвонил родственник и сообщил радостную весть. Затем начали звонить коллеги, члены семьи, близкие. Хочу сказать, что эта награда – признание не только моей службы, но и самоотверженного труда всех моих коллег.

Нынешний год, каким бы он тяжелым ни был, подарил мне два светлых момента: 19 апреля на свет появился третий ребенок, дочь Тумарис, и я удостоился медали «Шухрат». Поэтому хочу обратиться ко всем: ищите в жизни хорошие моменты, они есть у каждого, помните о них, и тогда легче будет преодолевать трудности.

**Азамат ПИРНИЯЗОВ,**
**корреспондент «На посту».**
*Республика Каракалпакстан.*

ТРЕТИЙ СЕКТОР

# Главная цель – удовлетворение нужд граждан





**В связи с пандемией коронавируса многие семьи попали в сложную ситуацию. Им оказывают поддержку рабочие группы секторов по социально-экономическому развитию города.**

Сектор № 3 по социально-экономическому развитию Мирабадского района столицы возглавляет подполковник М. Атаназаров.

Территория ответственности – 10 махаллей. В Мирободе, Янги Мирободе, Байналминале, Темирйулчилар, Заминободе, Биродарлик, Наврузе, Истиклолободе, Инокободе и Тонг юлдузи проживают более 33 тысяч человек. Члены рабочей группы выявляют семьи, нуждающиеся в социальной и материальной поддержке, а также граждан, которым нужна работа.

В ходе подворных обходов было изучено состояние более трех тысяч семей, выявлено 109 проблем, в числе которых: бесперебойная подача электроэнергии, природного газа, питьевой воды; вопросы, связанные с получением биометрических паспортов, кредитов для развития бизнеса, с лечением, трудоустройством; просьбы о выделении материальной помощи; урегулирование обстановки в скандальных семьях.

100 выявленных проблем уже решены: жители многоэтажек получают природный газ, электроэнергию, питьевую воду, отремонтированы крыши пяти многоквартирных домов.

В связи со сложившейся эпидемиологической обстановкой рабочая группа совместно с представителями органов местного самоуправления граждан разъясняют порядок получения пособий людям с ограниченными физическими возможностями, одиноким матерям, семьям, имеющим низкий уровень доходов. Стражи порядка, в рамках акции «Саховат ва кўмак», в соответствии со сформированными списками, выдали особо нуждающимся семьям товары первой необходимости. Более 1 400 семей получили помощь в виде продуктов питания, медикаментов и денежных средств.

Выяснить, кто из жителей остро нуждается в трудоустройстве, помогают беседы с домкомами и подъездкомами. В итоге набралось 123 человека. Сегодня 21 житель трудится в отделе благоустройства, 9 молодых людей участвуют в работе группы «Фидокор ёшлар», 48 человек привлечены к организованным в махаллях оплачиваемым общественным работам, 9 направлены в службу дезинфекции, 36 – в другие санитарно-эпидемиологические учреждения.

К примеру, жительнице махали Биродарлик, 41-летней Зухре Кежаевой, в связи с потерей кормильца выдали пластиковую карту с начисленными на нее денежными средствами, а также набор продовольственных продуктов. Женщина просила помочь с трудоустройством. Теперь она трудится в службе дезинфекции. Помогли найти работу и жительнице махалли Тонг юлдузи, 33-летней Лайло Разиковой, в период карантина лишившейся постоянного дохода. Она ухаживает за одинокими пожилыми людьми. Еще одной жительнице махалли Тонг Юлдузи, 42-летней Ирине Чугуновой, оказавшейся в сложной жизненной ситуации, выдали продукты питания и начислили на пластиковую карту деньги. Решили и вопрос с трудоустройством – она привлекается к общественным работам.

На территории третьего сектора полным ходом идет работа по подготовке к осенне-зимнему сезону, ремонтируются дороги, очищаются арыки, строятся социальные объекты. Главная цель – удовлетворение нужд граждан.

**Азиза АГЗАМХОДЖАЕВА,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото Равиля ВАЛИТОВА.**

МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ТИЛ – МИЛЛАТ ТАФАККУРИНИНГ БЕБАҲО ХАЗИНАСИ

Тил муайян товуш ва сўзлар йиғиндиси ҳамда уларнинг боғланиш қоидаларидан иборат қуруқ тизим эмас. Уни фақатгина алоқа қуроли, деб тушуниш ҳам тўғри эмас. У анча мураккаб тирик моҳиятдир. Унда шу тилда сўзлашувчиларнинг бор бисоти: онги ва тафаккури, билими ва дунёқараши, руҳияти ва маданияти, яшаш тарзи ва касб-кори яшайди.

Тилшунос олим Низомиддин Маҳмудов таъкидлаганидек, «тил, энг аввало, инсоннинг ички дунёси, оламни идрок қилиши, тафаккур тарзи ва камолотини белгилайдиган восита. Тилга кўпинча алоқа воситаси сифатида қарашади. Аслида бу тилнинг моҳиятини тўғри англамаслик натижасида пайдо бўлган нотўғри қараш. Тил фақат алоқа воситасигина эмас, у инсоннинг тафаккур тарзини тайин қиладиган, дунёни билиш, кўриш, эшитиш воситаси ҳамдир».

Тилда халқ руҳининг акс этиши ҳақидаги қарашни илгари сурган буюк тилшунос олим В. фон Гумболднинг фикрича, «тилларнинг хилма-хиллиги фақат товушларнинг турличалиги эмас, балки ҳар бир миллатдаги дунёни кўришнинг фарқлилиги натижасидир».

Дарҳақиқат, ҳар бир миллат оламни тили билан кўради, тили билан эшитади, тили билан англайди. Масалан, эскимослар доимий совуқ муҳитда яшайди ва тилида қор билан боғлиқ сўзларнинг кўплиги табиий. Эскимос тилида муз ва қорнинг ҳар хил турларини номлаш учун қирққа яқин сўз мавжуд экан. Ўзбекистон серқуёш юрт бўлганлиги боис фақат биргина «қор» деган сўз мавжуд.

Тилшунос Бенжамин Ли Уорф «Агар Ньютон инглизча гапирмаганида, инглизча ўйламаганида эди, унинг коинот ҳақидаги буюк кашфиёти бир қадар бошқачароқ бўларди», деган эди. Демак, ҳар бир инсон қайси тилда фикрласа, қайси тилда орзу қилса, қайси тилда хаёл сурса, отаси ёки онаси қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар, у шу миллатнинг ҳақиқий аъзоси. Яъни, у оламни шу халқ билан бир хил кўради, бир хил эшитади.

Масалан, ўзбекча тафаккур эгаси кучукнинг овозини «гав-гав» эмас, «вов-вов», ўрдакнинг овозини «га-га-га» эмас, «ға-ға-ға» деб эшитади. Унинг учун кўчадаги умрида кўрмаган киши «ака» ёки «ука», «опа» ёки «сингил» бўлиши мумкин. Уйига келган биттагина одамга нисбатан «келдилар» ёки «келишди», дея олади. Бегона инсон эшик қоқса, «марҳамат» сўзини ишлата олади. Унинг учун «тегирмонга тушиб бутун чиқиш», «юлдузни бенарвон уриш», «заҳарли илоннинг ёғини ялаш» чўт эмас. Турли доғлари бўлган дум-думалоқ ой гўзал санамнинг чеҳрасига, ширингина ўғилчаси қўзичоққа ўхшаши мумкин.

Дарвоқе, «ширин» сўзи хусусида. Ўзбек халқи шакар солинган чойини ҳам, лаззатли паловни ҳам, ёқимтойгина боласини ҳам, эзгу орзуларини ҳам, жарангдор овозни ҳам, мазмунли ҳаётни ҳам бир сўз билан ифодалай олади ва бунда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ. Бу халқимизнинг ижодкорлиги, дунёни ўзига хос кўриши, уни ўзига хос қабул қилиши ва номлашидан дарак беради.

Бадиий асардан олинган ушбу парчага диққат қилайлик: «Эҳтимол, ишқ-муҳаббатнинг ипак толаси унинг нозик қўл-оёғини кишанлаган, лекин у негадир сирини ҳеч кимга айтмайди». Миркарим Осим бу ўринда муҳаббат дардига чалинган ошиқни ипак толалар билан чирмаб ташланган ипак қуртига ўхшатади. Наздимда, ўзбек ижодкоридан бошқа ижодкор муҳаббат ва ипак қуртини бу каби гўзал боғлай олмаса керак.

Шотланд лингвомаданиятида сочнинг қоралиги қарғага қиёсланади. Шотландия шимолий ўлка бўлиб, у ерда йилнинг деярли барча фаслида қарғаларни учратиш мумкин. Мазкур ўхшатиш шотландиялик шоир Роберт Бёрнс қаламига мансуб шеърда яққол акс этган: «Сочларинг қарға рангига ўхшарди, барқ уриб дўнг пешонангни безаб турарди...». Ушбу мисралар рус таржимони Самуил Маршак томонидан ўгирилганда, «қарға»га қиёсланган соч «мум»га айланганини кўриш мумкин. Қозоқ мутаржими Қубондиқ Шанғитбоев талқинида эса «кўмирдан ҳам қора» тус олган. Ушбу мисол орқали ҳам ҳар бир тилда халқ тафаккурининг ўзига хос акс этишини кузатиш мумкин.

Ҳар бир тилнинг тилла сандиғида шундай сўзлар, иборалар бўладики, улар тилнинг қаймоғидир. Ушбу лексик бирликлар халқ маданияти ва маънавиятини ўзида акс эттиради. Келинг, ўзбек тили хазинасида ўзбекнинг том маънодаги тафаккурини ўзида акс эттирган бирликларнинг айримларига эътибор қаратайлик. Бу ўринда «тафаккур» сўзини бежиз қўлламадим. Зеро, маданиятни ҳам, маънавиятни ҳам, руҳиятни ҳам тафаккур белгилаб беради. Тафаккурсиз на маънавият, на маданият мавжуд бўла олади.

Ўзбек хонадонида ҳар куни бир неча бор ишлатиладиган оддий сўзларни таҳлил қилиб кўрайлик. Нима учун дадамиз онамизга «онаси», онамиз эса «дадаси» дея мурожаат қилади? Нега исмларини айтиб чақиришмайди? Бу ўзбек хонадонидаги юксак андишанинг натижасидир. Эр ва хотиннинг жамият олдида, ҳаттоки, исмларини айтишга андиша қилишидандир. Айни пайтда эса бу оддий ўзбек оиласининг юксак маънавиятидан, ҳаёсидан бир нишонадир. Ҳозирги кунда ёш оилаларда бу одатнинг бир қадар унутилгани эса ачинарли ҳолдир.

Мақсаддан йироқлашмасдан, оиладаги ака, ука, опа, сингил сўзларига тўхталамиз. Биз яхшироқ билган рус, инглиз, тожик тилларида оиладаги қиз ёки ўғил фарзандлар ёш нуқтаи назаридан фарқланмайди. Ўзбек тилида эса бу икки тушунча алоҳида номланади. Бу хусусида Алишер Навоий ҳазратлари ўзининг «Муҳокаматул луғатайн» асарида ҳам салмоқли фикрларни келтириб ўтган.

Хўш, нега ўзбек тилида бу икки бир жинсли фарзанд номлари фарқланмоқда? Маълумки, ўзбек оилаларида катта фарзанднинг кичикларга масъуллиги аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган қадрият, ўзбекона ҳикмат. Катта фарзандлар кичикларга ота-онадан кейинги масъулдирлар. Опа ёки акалар ота-она вақтинчалик уйда бўлмаганда ҳам, оламдан ўтганда ҳам, ука ва сингилларнинг ёшидан қатъи назар, уларга ёрдам берувчи, йўл кўрсатувчи, маслаҳат берувчидир. Оилада катта фарзанд зиммасидаги «юк» ва ўз-ўзидан обрўси баланд бўлганидан бу икки тушунча фарқланган. Ўзбек тилида тўнғич сўзининг мавжудлиги ҳам худди шу қадриятга асосланади.

Биламизки, турли миллат вакилларидаги мурожаат шакллари ҳам ҳар хил нуқтаи назарлар билан фарқланади. Хусусан, инглиз тилида мурожаат шакллари аёлларга нисбатан қўлланганда, турмушга чиққан ва чиқмаганлиги ҳисобга олинади. Масалан, турмушга чиқмаган қизларга нисбатан «мисс», оилали аёлларга нисбатан эса «мис» сўзи ишлатилади. Ўзбек тили эгаларида эса оила аъзоларининг номи билан мурожаат қилиш кўп кузатилади. Яъни, «онахон», «отахон», «бувижон», «бобо», «опа», «ака», «сингил», «ука», «тоға», «амаки», «хола» номлари қўлланади. Бу ҳам ўзбек халқининг инсонпарварлиги, бағрикенглигидан, инсонларни ўзига яқин олишидан далолатдир.

Келинг, ўзбек хонадонларидаги эркаловчи сўзларга эътибор қаратамиз. Биз одатда болажонларимизни «қандим», «асалим», «шакарим» каби сўзлар билан эркалатамиз. Аслида болажонларни ширинликка ўхшатиш дунёнинг деярли барча халқларида учрар экан. Лекин болажонларимизни қўзичоққа, бўталоққа, тойчоққа ўхшатиш бизнинг миллатга хос одат. Ҳар бир миллат болаларини ўзининг ҳаёт тарзига яқин бўлган ҳайвон номлари билан эркалайди.

Тилда миллат тафаккури акс этиши маълум бўлгани ҳолда, ҳар бир кишининг нутқида ҳам унинг тафаккури, маданияти ва бошқа жиҳатлари акс этади. Масалан, «Ўткан кунлар»даги Юсуфбек ҳожининг нутқига эътибор берганмисиз? Унинг нутқидаги маданият, билим, араб тилига хос бўлган сўзларнинг кўп қўлланиши Юсуфбекнинг жамиятда тутган ўрни, ўқимишлилиги, ҳожи эканлиги каби омиллар билан боғлиқ. Бу эса Абдулла Қодирийнинг маҳоратидан дарак беради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, тил ўзида неча-неча асрлик тарихни асраб келиши билан халқ тафаккурининг бебаҳо хазинасидир. Ушбу бебаҳо хазинамиз кун сайин сайқалланиб бойиб борсин, асло камаймасин.












**Муҳайё ҲАКИМОВА,**
**Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети доценти, филология фанлари доктори.**

АНЖУМАН

**Ички ишлар вазирлиги Академияси билан Россия Федерацияси Терговқўмитасининг Санкт-Петербург Академияси ўртасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда, онлайн тарзда ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги меморандум имзоланди. Ўтказилган видеомулоқотда таълим муассасалари раҳбарияти ва профессор-ўқитувчилар иштирок этди.**

# ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА МЕМОРАНДУМ ИМЗОЛАНДИ





– Ҳозирги кунда Академиямиз хорижий мамлакатларнинг ўндан зиёд турдош олий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорликни давом эттирмоқда, – деди Академия бошлиғи, генерал-лейтенант Б. Матлюбов. – Ўтган йилнинг ўзида Академиянинг олтмишдан зиёд профессор-ўқитувчилари ва олтмиш нафарга яқин курсантлари хорижий мамлакатларда ташкил этилган ўқув семинарлари ва малака ошириш курсларида тажриба алмашиб қайтишди. Шу маънода мазкур йўналишдаги ҳамкорлик кўламини янада кенгайтиришдан манфаатдормиз.

Мулоқот чоғида ИИВ Академиясининг кадрлар тайёрлаш салоҳияти, ўқув жараёнидаги янгиланишлар,



таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган истиқболли дастурлар ҳақида маълумот бериб ўтилди. Ўз навбатида, Санкт-Петербург Академияси ректори, генерал-лейтенант Александр Ефремов самимий руҳда ташкил этилган тадбир учун миннатдорлик билдирди.

– Бугун жаҳон ҳамжамияти томонидан «Янгиланаётган Ўзбекистон» атамаси кўп қўлланиляпти. Бу мамлакатнинг ҳар жабҳада тараққиётга эришаётганидан далолат беради. Россия ва Ўзбекистон муносабатларида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам муҳим аҳамият касб этади. Жаҳонда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар учун профессионал кадрлар, хусусан, малакали терговчиларни тайёрлаш ва ўзаро тажриба алмашишни тақозо этаётганини инобатга олсак, бугунги мулоқотимиз ҳар икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмайди. Асосий мақсадимиз кадрлар тайёрлаш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш ва ўзаро алоқаларни барча соҳаларда самарали давом эттиришдир, – деди у.

**– Ҳозирги кунда Академиямиз хорижий мамлакатларнинг ўндан зиёд турдош олий таълим муассасалари билан самарали ҳамкорликни давом эттирмоқда, – деди Академия бошлиғи, генерал-лейтенант Б. Матлюбов**

Шундан сўнг томонлар ҳамкорлик баённомасини имзолашди. Мулоқот давомида тизим учун малакали мутахассис кадрлар, тайёрлашда ўзаро тажриба алмашиш, замонавий ахборот технологиялари ва инновацион ютуқлардан самарали фойдаланиш, биргаликда илмий-техник ва методик лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш, суд-тергов фаолиятида учраётган муаммоларни ҳал этиш бўйича биргаликда илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, профессор-ўқитувчиларнинг касбий маҳорати ва малакасини ошириш, шунингдек, маданий алоқаларни кенгайтириш юзасидан фикрлар алмашилди.

**Жамшид ХОЛОВ,**
**катта лейтенант.**



# ЭҲТИРОМ НАМУНАСИ

Ички ишлар вазирлиги Академиясида Убайдулла Таджиханов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан «Убайдулла Таджиханов – талабчан раҳбар ва меҳрибон устоз» мавзусида илмий-маърифий анжуман бўлиб ўтди. Унда вазирлик масъул ходимлари, фахрийлар кенгаши аъзолари, кенг жамоатчилик вакиллари, таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ва курсантлари иштирок этди.





Тадбирни ИИВ Академияси бошлиғи, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов кириш сўзи билан очиб, Тошкент олий милиция мактаби негизида вазирлик Академиясининг ташкил этилиши ва нуфузли таълим муассасаларидан бирига айланишида У.Таджихановнинг ҳиссаси катта бўлганлигини эътироф этди.

Тадбирда, шунингдек, марҳумнинг яқинлари, шогирдлари, дўстлари, оила аъзолари, ўз вақтида ёнма-ён фаолият олиб борган соҳа фахрийлари ҳам сўзга чиқиб, улуғ устоз ҳақидаги хотиралари билан ўртоқлашди. Жумладан, Ички ишлар вазири маслаҳатчиси, генерал-полковник Зокиржон Алматов шундай деди:



– Кўп йиллар бирга ишлаб қадрдон бўлиб кетган инсон ҳақида гапириш ҳам оғриқли, ҳам мароқли. Оғриқли томони шундаки, устоз бугун орамизда йўқ. Агар ҳаёт бўлганида ҳозирги кунга қадар ёш авлодга ўзининг қимматли ўгитларини бериб, тажрибалари билан ўртоқлашарди. У киши билан бирга ишлаган даврларни, амалга оширган хайрли амалларини эслаб, хотирлаш, ёдга олиш эса мароқлидир. Сиз, азиз ёшлар, вақтингиздан унумли фойдаланиб, яхши ўқиб-ўрганиб, устознинг ишини муносиб давом эттириб, эл-юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойиларча хизмат қилинг.

Шундан сўнг генерал-майор У.Таджихановнинг ҳаёти ва хизмат фаолиятига бағишланган фильм намойиш этилди. Фильмда унинг собиқ иттифоқ даврида ноҳақ қамалгани, қийноқларга гирифтор қилинса-да, айбсиз эканини исботлаш йўлида матонат кўрсатгани акс эттирилган. Айниқса, орадан маълум вақт ўтиб, суд залида айбсиз эканлиги эълон қилингани ҳақидаги лавҳани кўриб, барчанинг кўзида ёш қалқди.

– Биз устозларимизнинг устози бўлган генерал-майор, У.Таджиханов ҳақида ўқиганмиз, эшитганмиз, аммо бугунги илмий-маърифий анжуманда янаям кўпроқ маълумотга эга бўлдик, – дейди 3-босқич курсанти Асилбек Ҳошимбоев. – Бугун Академияга тамал тошини қўйган мана шундай жонкуяр инсонга издош бўлганлигимдан яна бир бор фахрландим. Келгусида у кишидек халқимга, Ватанимга сидқидилдан хизмат қилишда бор куч-ғайратимни ишга соламан.

Тадбирда генерал-майор, марҳум Убайдулла Таджиханов таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан Академия нашриётида чоп этилган «Убайдулла Таджиханов – талабчан раҳбар ва меҳрибон устоз» номли китоб ва «Akademiya yoshlari» газетасининг махсус сони анжуман меҳмонларига тарқатилди.

**Сарвар СОБИРОВ,**
**«Postda» мухбири.**
**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ

# ХИЗМАТ СИФАТИДАН АҲОЛИ МАМНУН

**Яқинда пойтахтимизнинг Олмазор тумани ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари ўз фаолиятларини янги бинода бошлашди. Бу ерда аҳолига беками-кўст хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Энг асосийси, фуқаролар бўлим ходимларининг хушмуомалалигидан, хизматлар сифатли кўрсатилаётганидан мамнун.**

**Шунингдек, кекса, ногирон фуқароларнинг уйларига бориб, махсус кўчма аппаратлар ёрдамида уларнинг биометрик маълумотлари олинмоқда.**





**16 ёшга тўлган 4 минг нафарга яқин ўқувчига илк маротаба фуқаролик паспорти берилди.**





– Фуқаролик паспорти билан боғлиқ муаммо билан келгандим. Уни ҳал қилишда ҳеч қандай қийинчиликка учрамадим, – дейди туманнинг Намуна маҳалласида истиқомат қилувчи Насиба Соатова. – Ишим тез битди, ходимларнинг самимийлиги мени мамнун қилди.

Айни пайтгача туман аҳолисининг деярли барчаси биометрик паспорт билан таъминланди. Хусусан, жорий йил бошидан ҳозирга қадар паспорт олиш учун мурожаат этган 6200 нафар фуқаронинг маълумотлари асосида талабномалар шакллантирилиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш марказига юборилди. 6170 та тайёр паспорт ўз эгаларига берилди. Шу даврда паспортини йўқотган 425 нафар фуқаро тегишли тартибда паспорт билан таъминланди.

Бўлим ходимлари томонидан тумандаги аҳоли миграцияси жараёни ҳам ҳар ойда таҳлил қилиб борилаётир. Бугунгача юртимизнинг турли ҳудудларидан доимий яшаш учун келган 5450 нафар, вақтинчалик яшаш учун келган 2054 нафар фуқаро паспорт ҳисобига киритилди ҳамда чет элга доимий яшаш учун чиқиб кетган 23 нафар фуқаро паспорт ҳисобидан чиқарилди.

Шу билан бирга, 37 та кам таъминланган оиланинг 16 ёшга тўлган фарзандларига биометрик паспорт расмийлаштириш учун тўланиши керак бўлган давлат божи Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши кўмагида тўланди. Шунингдек, 16 ёшга тўлган 4 минг нафарга яқин ўқувчига илк маротаба фуқаролик паспорти берилди.

«Паспорт–виза» профилактик-огоҳлантирув тадбири ҳам мунтазам тарзда ташкил этиб келинмоқда. Ўтказилган текширув ишлари натижасида паспорт тизими қоидаларини бузган 1028 нафар фуқаро аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилди.

– Паспорт тизими билан боғлиқ қоидабузарликларни аниқлаш мақсадида соҳавий хизматлар билан ҳамкорликда доимий равишда тадбирлар олиб борилмоқда, қонунбузарларга чоралар кўриляпти, – дейди туман ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими бошлиғи, подполковник Мирабзал Тўлабоев. – Хусусан, ўз уйида хорижий фуқароларнинг ноқонуний яшашига шароит яратиб берган 7 нафар шахсга нисбатан тегишли чоралар кўрилди. МДҲ ва бошқа хорижий давлатлардан келган жами 1368 нафар шахс вақтинчалик рўйхатга олинди. 29 нафар фуқаролиги бўлмаган шахсга ҳамда 18 нафар чет эл фуқаросига Ўзбекистон Республикасида яшаш учун гувоҳномалар расмийлаштирилди.

Бир сўз билан айтганда, Олмазор тумани ИИОФМБ Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлими ходимлари ҳудуддаги паспорт тартиботини мустаҳкамлаш борасида барча имкониятлардан унумли фойдаланмоқда.

**Михли САФАРОВ,**
**«Postda» мухбири.**

*Тошкент шаҳри.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**





ЖЕНЩИНЫ В ПОГОНАХ

# «Разве это не счастье?»



Шохсанам Нуралиева

**С каждым годом у девушек растет интерес к воинской службе, становится больше представительниц прекрасного пола, служащих по контракту.**



Зулфия Буронова



Машхура Юнусова

В войсковой части № 7255 Главного управления войск МВД по обеспечению безопасности в международных аэропортах (международный аэропорт «Андижан»), которой командует подполковник Анваржон Мамиров, служат три прекрасные женщины. Сегодня наш рассказ о них.

Зулфия родилась в Джалакудукском районе Андижанской области. В 2012 году стала работать в войсковом подразделении по контракту. Там она познакомилась со своим избранником, Нодирбеком Буроновым. Сегодня семейная пара воспитывает четырехлетнего сына, Азизбека. Глава семьи – младший сержант Нодирбек Буронов – командир группы, младший сержант Зулфия Буронова – контролер 3-й категории.

Машхура – уроженка Пахтаабадского района Андижанской области. Служит по контракту с 2012 года. В настоящее время младший сержант Машхура Юнусова занимает должность контролера 3-й категории. Ее супруг – рядовой Азизбек Юнусов служит в Управлении охраны Национальной гвардии по Андижанской области. В семье растут трое детей. Старшему сыну, Фирдавсу, недавно исполнилось 7 лет. Он пошел в первый класс. Дочерям – близняшкам Фатиме и Зухре – по пять лет.

Шохсанам родилась в городе Андижане. Служить так же начала в 2012 году. Со своим супругом, Абдурашидом, познакомилась в войсковой части. У них растут два сына. Старшему, Мухаммадсодику, – 6 лет, младшему, Мухаммадсафо, – полтора года. Глава семьи служит стрелком, а Шохсанам Нуралиева – контролером 3-й категории.

– Семейные пары военнослужащих отличаются строгой дисциплиной, высокой ответственностью за порученный участок работы, – говорит командир войсковой части подполковник Анваржон Мамиров. – В таких семьях царят любовь, понимание, мир и покой. Жена знает, где несет службу ее муж, а муж, в свою очередь, спокоен за супругу. Единственная сложность – воспитание детей. Но эту проблему помогают решать бабушки и дедушки.

– Быть женой военнослужащего – сложная работа, – говорит младший сержант Зулфия Буронова. – А если и жена – военнослужащая, то труднее вдвойне. Служба – это безоговорочный приказ: куда отправили – туда и едем. Некоторые неопытные жены начинают плакаться по поводу того, что муж много работает, дома не бывает, любит работу больше, чем семью. По моему мнению, надо терпеть, трудности проходят, остается счастливая семейная жизнь.



– Быть настоящей женщиной в современном мире все сложнее и сложнее, – вступает в разговор младший сержант Машхура Юнусова. – Сейчас популярны идеи феминизма и равноправия полов. Но если вы хотите видеть рядом с собой настоящего мужчину, надо постараться быть женщиной в том виде, как задумано природой. Когда мужчина умеет решать вопросы в семье, а рядом женщина, с погонами на плечах, и трое прекрасных детей, – разве это не счастье?

– Я нисколько не жалею, что вышла замуж за военного, – делится младший сержант Шохсанам Нуралиева. – Мы понимаем друг друга с полуслова. В семье царят взаимопонимание и порядок. У нас с супругом общие цели и одинаковые взгляды на жизнь. Я счастлива!

Женщины меняют облик наших войск в буквальном смысле слова. Они становятся красивее.

**Борис КЛЕЙМАН,**
**корреспондент «На посту».**
**Фото автора.**

*Андижанская область.*

МЕРОПРИЯТИЕ

# ГЛАВНОЕ – БЕЗОПАСНОСТЬ

**В Каршинском, Касанском и Китабском районах Кашкадарьинской области сотрудниками службы безопасности дорожного движения проведены информационно-разъяснительные мероприятия с участием велосипедистов.**



В последнее время на дорогах страны все чаще стали происходить дорожно-транспортные происшествия, «героями» которых являются обладатели двухколесного транспорта. Многие из них не понимают того, что они – полноправные участники дорожного движения и должны соблюдать ПДД так же, как автомобилисты и пешеходы.

Мало того, в темноте не всегда можно различить велосипед, двигающийся по



обочине дороги, поэтому вероятность быть сбитым проезжающим транспортом очень велика.

В связи с этим, стражи порядка решили провести с велосипедистами разъяснительную беседу о необходимости следования правилам дорожного движения, оснащении велосипедов светоотражателями. В ходе мероприятия участникам были розданы светоотражатели.

Хочется надеяться, что в результате проведения подобных акций участники дорожного движения станут серьезнее относиться к соблюдению ПДД, а значит, к личной безопасности, к сохранению здоровья и жизни других людей.

**Соб. корр.**

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

# ГРИППГА ҚАРШИ ЭМЛАШ
## қанчалик наф беради?




*Ҳаво совий бошлаши билан аҳоли ўртасида шамоллаш, хусусан, грипп касаллиги кенг авж олади. Бундай ҳолатда ҳар ким ўзи билган ва синалган усулдан фойдаланиб, касалликка қарши курашади. Лекин мутахассислар фикрича, бир усул борки, буни қўллаган киши грипп билан касалланмаслиги ёки уни осонликча енгиши мумкин экан. Бу – касалликка қарши эмлашдир. Хўш, эмлаш қанчалик наф беради, у кимга мумкину кимларга мумкин эмас?*

*ИИВ Марказий поликлиникасининг терапия бўлинмаси бошлиғи, майор Юлдуз Раҳматова юқоридаги мурожаатдан келиб чиққан ҳолда, гриппга қарши эмлаш борасида батафсил маълумот беради:*

**Ижтимоий тармоқларда Ўзбекистонда сентябрь ойидан грипп ва пневмонияга қарши эмлаш бошланиши ҳақида хабарлар тарқалди. Шу гап ростми? Эмлаш қачон бошланади?**

**Қурбон НУРБОЕВ.**
*Самарқанд вилояти.*



Президентимизнинг «Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига кўра, республикадаги барча мактабгача таълим, умумий ўрта таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг ходимларини марказлашган тартибда 2020 йил 1 октябрга қадар бепул гриппга қарши эмлаш белгиланган. Ушбу тадбирни амалга ошириш учун бугунги кунда Давлат санитария хизмати томонидан ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари ва мактабгача таълим муассасалари ходимлари сонини аниқлаш, уларнинг рўйхатини тузиш ишлари амалга оширилмоқда.

Қолган фуқаролар эса ўзи хоҳишига кўра, вакцина марказларида пуллик тарзда гриппга қарши эмлатишлари мумкин.

### КИМЛАР БИРИНЧИ ЭМЛАНАДИ?

Ҳукумат қарорига асосан, грипп юқтириш ва унинг оғир асоратларини бошидан ўтказиш хавфи юқори бўлган ҳамда мавсумдан олдин эмланадиган шахслар контингенти тасдиқланган.

Унга қуйидагилар киради:

– ҳомиладор аёллар (ҳомиладорлик даврининг фақат иккинчи ярмидагина эмланиши мумкин);

– 6 ойликдан катта болалар;

– нафас олиш органлари ва юрак-қон томир тизимларининг маълум сурункали касалликларига чалинган катта ёшлилар;

– 60 ёшдан ошган шахслар;

– тиббиёт ходимлари;

– «Меҳрибонлик» уйлари, қариялар ва ногиронлар учун «Саховат» интернат уйлари, ногиронлар ҳамда ногирон болалар учун «Мурувват» интернат уйлари, болалар шаҳарчалари, болалар уйларида, шунингдек, жисмоний ёки руҳий ривожланишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган таълим муассасалари (мактаблар, мактаб-интернатлар)да яшаётган шахслар.





### МУМКИН БЎЛМАГАН ҲОЛАТЛАР

Энг аввало, шуни айтиш керакки, грипп касаллигига барча ёшдагилар мойил. Айниқса, заиф, нимжон, яъни иммун ҳолати паст болалар, кекса ёшдаги кишилар, ҳомиладор аёллар ҳамда сурункали хасталиклари бўлганларда касаллик тез ривожланади ва оғир кечади. Шундан келиб чиқиб, эмлашга бирор тиббий чекловлар бўлмаса, 6 ойлик чақалоқдан бошлаб барча ёшдаги фуқароларни эмлаш мумкин.

Бошқа турдаги эмлашлар каби гриппга қарши эмланишдан олдин ҳам барча эмланувчилар тиббий кўрикдан ўтиши шарт. Бунда шахс организмида бошқа бирор турдаги хасталик бор-йўқлигига қараб хулоса чиқарилади.

Эмлаш мумкин бўлмаган ҳолатлар ҳам мавжуд:

6 ойликдан кичик чақалоқлар;

– олдинги вакцина ёки унинг таркибий қисмларига нисбатан кучли аллергик реакциялар берадиган кишилар.

Ҳар қандай касалликнинг оғир босқичида эмлаш тикланишгача қолдирилиши керак, аммо бекор қилинмайди. Сурункали касалликлар мавжуд бўлса, эмлаш юзасидан шифокор билан маслаҳатлашилади.

### САМАРАДОРЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ

Гриппга қарши вакцина хавфсиз ва самарали бўлиб, йиллик касалланиш ва ўлимни етарлича камайтириш потенциалига эга. Мамлакатимизда 60 йилдан буён хавфсиз ва самарали вакциналар қўлланиб келмоқда. Инъекция жойидаги енгил ножўя таъсирлар 10–64 фоизни, иситма бир ёшдан беш ёшгача болалар ўртасида 12 фоизни, 6 ёшдан – 15 ёшгача болалар ўртасида 5 фоизни ташкил қилади. Анафлакция каби оғир асоратлар билан кечадиган ножўя таъсири миллион нафар эмланганлардан 0,7 ҳолатда қайд этилади. Соғлом одамларда гриппга қарши вакцина етарлича ҳимоя ҳосил қилади. Лекин кексаларда самараси камроқ бўлиб, гриппнинг кечишини енгиллаштириши, асоратлар ва ўлим ҳолатларини камайтириши мумкин. Замонавий гриппга қарши вакциналарнинг самарадорлиги 70–90 фоизни ташкил этади.



### ПАНДЕМИЯ ШАРОИТИДА ҚАНЧАЛИК НАФ БЕРАДИ?

Гриппга қарши вакцина одамларни «COVID-19»дан ҳимоя қилмаслиги мумкин, лекин гриппнинг ривожланиши, у билан боғлиқ оғир асоратлар, жумладан, ўлим хавфини камайтиради.

Коронавируснинг ривожланишига грипп авж оладиган куз-қиш фасли янада қулай шароит яратиши мумкин. Чунки грипп таъсирида иммун тизим пасаяди. Шу даврда бемор коронавирус юқтириб олса, оғир кечиши мумкин. «COVID-19» ва грипп ўзаро ўхшаш белгиларга эга бўлиб, ёши катта инсонлар ҳамда юрак ва ўпка хасталиклари каби сурункали касалликларга чалинганларга қаттиқ таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун гриппга қарши вакцина қабул қилиш ҳозирги даврда ҳар қачонгидан ҳам муҳимдир. Бу мажбурий вакцинация эмас, лекин эмлашни тавсия этамиз.

Айни пайтда ИИВ Тиббиёт бошқармаси тиббий муассасалари, ҳарбий тузилмалар, таълим муассасалари, ҳудудий ички ишлар органлари ходимларини юқумли касалликларга қарши эмлаш юзасидан тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Эҳтиёждан келиб чиқиб, вакцина харид қилиниши режалаштирилган. Ҳозирги кунда ходимлар сонини аниқлаш, уларнинг рўйхатини шакллантириш ишлари амалга оширилмоқда.

### ВАКЦИНА ҚАЕРДА ОЛИНАДИ?

Гриппга карши эмлаш мажбурий эмлаш жадвалига кирмайди. Тиббий ходимлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари давлат томонидан эмланади. Бошқалар пулли вакцина марказларида эмланишлари мумкин.

**Диққат...**

**Фуқароларда эмлангандан сўнг ножўя ўзгаришлар бўлса, дарҳол тиббиёт ходимларига мурожаат қилишлари зарур.**

**Фозилжон МАМАШАРИПОВ**
**ёзиб олди.**

БУГУННИНГ ГАПИ

# ЙЎЛДА ҲУШЁРЛИК ҳар онда керак

**Кундалик ҳаётимизда автомашиналар узоқни яқин, оғирни енгил қилувчи ҳаётий зарур воситага айланиб улгурган. Кўпчилик шахсий машиналарнинг афзалликларини билгани боис ўзи, оиласи, яқинларига шундай қулайликни яратишга ҳаракат қилади. Шу сабабли бугун юртимизнинг катта шаҳарлар ҳатто узоқ қишлоқларида ҳам автомашинанинг қатнови сезиларли даражада ортган. Айниқса, пойтахт кўчаларида бу ҳол яққол кўзга ташланади.**

**Аммо кейинги вақтларда автотранспорт воситалари иштирокидаги бахтсиз воқеаларга тез-тез дуч келяпмиз. Айниқса, йўл-транспорт ҳодисларида қурбонлар берилиши ҳар бир инсоннинг юрагига оғриқ, дард бўлиб киради. Инсон тақдири, унинг ҳаёти билан бевосита боғлиқлик ҳар онда сергакликка чорлайди. Тўғри, бундай вазиятларга ҳеч ким ўзи хоҳлаб тушмайди, аммо «Фалокат оёқ остида» деганларидек, ҳар доим қандайдир сабаб, баҳона, важ топилаверади...**

Йўқотиш... айнан йўл-транспорт ҳодисаси сабаб... Бу ҳаётимизга бугун соя солаётган бахтсиз ҳодиса эмас. Бир сонияда юз берган нохуш ҳолат сабаб бўлиб, бир умр оғриқ, изтироб аламларини ичига ютганлар ҳам йўқ эмас орамизда. Бунда энг катта камчилигимиз баъзан ҳавоий кайфиятга берилиш ва эътиборсизлик, ҳушёрликни қўлдан бериб, оқибатини ўйламай қарор қабул қилишдир.

Шу ўринда бир факт таҳлили: республикамиз ҳудудида 2020 йилнинг 7 ойида 3012 та ЙТҲ содир этилган бўлиб, 808 та ўлим қайд этилган, 2204 ҳолатда турли тан жароҳати олинган. Ҳудудлар кесимида Фарғона, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида энг кўп ЙТҲ содир бўлган. Пиёда йўлнинг белгиланмаган жойидан кесиб ўтиши 28 фоиз, белгиланган тезликка риоя қилмаслик 16 фоиз, пиёда йўлга тўсатдан чиқиб қолиши 9,3 фоиз, қувиб ўтиш ва қарама-қарши йўналишга чиқиш 6,7 фоиз, велосепедларнинг йўлнинг қатнов қисмида ҳаракатланиши 3,4 фоиз, автомобилни маст ҳолда бошқариш 2,3 фоизга тўғри келган. Ушбу маълумотлар ҳар бир ЙТҲнинг «қаҳрамони» – сабабчиси, кузатувчиси, қурбони ҳам одамларнинг ўзи эканини кўрсатади.

Юқорида келтирилган ўлим ҳолатлари ортида неча-неча инсонлар қалбига ғам-андуҳ соя солиб, ҳаёти мутлақо бошқа тусга киришини тасаввур қилишнинг ўзи азоб эмасми?



Йўл-йўлакай ҳар куни йўл ҳаракати қоидаларини тартибга солувчи белгилар ёки шиорларига кўзимиз тушади. Бунга хавфсизлигимиз, тинч ва бахтиёр кунимиз кафолати сифатида қаровчилар кўп. Аммо баъзан ЙПХ ходимини кўргандагина йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиш кераклиги ёдига тушиб қоладиган пиёдалар, ҳайдовчилар ҳам орамизда йўқ эмас. Қолаверса, светофор ишораларига, йўл белгиларига ва бошқа хавфсизлик қоидаларига риоя этмагани етмагандек, қоидабузарлигини тан олмайдиганларнинг борлиги кишини ўйга толдиради. Ваҳоланки, кўча фақат автомобиль бошқараётган ҳайдовчиларга тегишли эмас. Унда пиёданинг ҳам, мотоцикл бошқариб кетаётганларнинг ҳам, велосипедда ҳаракатланаётганларнинг ҳам ҳаққи бор. Улар ҳам кўчага чиққач, йўл ҳаракати иштирокчиларига айланишади. Шундай экан, йўл ҳаракати иштирокчиси бўлиш қоидаларга амал қилиш, эътиборли бўлищдек масъулиятни ҳис этиш демакдир.

Бувим ҳар гал бирор юмуш билан йўлга отлансак, остонада дуога қўл очиб, албатта, «Йўлинг бехатар бўлсин, болам» дея қўшиб қўярди. Қоидабузарлик, тажрибасизлик, шошма-шошарлигу эътиборсизлик сабаб йўлдаги турли нохуш ҳолатларга гувоҳ бўлганимда, бувимнинг дуолари мағзини чаққандек бўламан.

Ҳақиқатан ҳам, ҳаётимиз ҳар қандай вазиятда завқли онларга тўла, йўлимиз бехатар бўлиши, аввало, ўзимизга, бир-биримизга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлишимизга боғлиқ.

**Гулноза ТУРҒУНБОЕВА,**
**«Postda» мухбири.**

МУЛОҲАЗА

# КИМДА НИМА ҒАМ?

Илгарилари автобус ҳайдовчилари кўпроқ йўловчи олиш учун бир-бири билан «пойга» ўйнарди. Бу «пойга»га баъзан йўналишли такси ҳайдовчилари ҳам қўшилишарди. Шундай кезлари автобус салонидаги йўловчилар юрагини ҳовучлаб ўтирарди. Айримлари норози бўлиб гапирганидан сўнг ҳайдовчи тезликни пасайтирар, лекин кунлик тушуми камайишини ўйлаб, ёмон асабийлашарди.

Сўнгги пайтларда бу каби ҳолатлар анча камайгандай, назаримда. Яқинда бир эълонни ўқиб, бунинг сабабини тушунгандай бўлдим. Унда йўловчи ташувчи автокорхоналарга тегишли тоифадаги ҳайдовчилар ишга таклиф қилиниб, уларнинг ойлик маоши 3 миллион сўмлиги айтилганди. Шунингдек, ҳайдовчи зиммасига кунлик пул тушуми режасини бажариш мажбурияти юкланмаслиги алоҳида таъкидланган эди.

Лекин куни кеча битта йўналишда қатнайдиган автобус ҳайдовчиларининг ўзаро ғижиллашишига гувоҳ бўлдим. Улардан бири иккинчисига:

– Инсофинг борми сенинг?! Нега йўналишга белгиланган вақтдан ярим соатча кеч чиқяпсан? – деди жаҳл билан.

– Мен вақтида йўлга чиқдим. Ишонмасанг, ана, диспетчердан сўра, – деди иккинчиси пинагини бузмай.

– Унақада, бекатларда одам йиғиб тўхтаб тураётган бўлсанг керак-да. Шунинг учун менинг автобусим деярли бўш бориб келяпти.

Хуллас, иккиси анча тортишди. Барибир, ўзаро тил топишолмади. Қайтанга, роса асабийлашишгани қолди. Энди тасаввур қилинг. Эрталабдан асаби бузилган ҳайдовчи кун бўйи автобусни тўғри бошқаради, деб ким кафолат бера олади? Худо кўрсатмасин-у, лекин бунақа ҳолатда йўл-транспорт ҳодисаси содир этиши ҳам ҳеч гап эмас.





Айтганча, бу ҳали ҳаммаси эмас. Айрим ҳайдовчилар то кечгача йўналишдош ҳамкасбларининг жадвал бўйича ҳаракатланишини имкони борича, назорат қилиб боради. Уларнинг телефон орқали тортишувлари даҳанаки жанггача боради. Хуллас, иш куни охиригача асаббузарлик. Шундай ҳолда одам ташишади.

Хўш, уларнинг маоши пул тушумига боғлиқ бўлмаса, на мунча ташвиш чекишади? Ёки бундан манфаатдор жойлари борми? Ундан кўра, йўловчиларга хизмат кўрсатиш маданиятини ошириш ҳақида ўйлашса бўлмайдими? Масалан, ҳаракат чоғида бекатларни олдиндан эълон қилиб боришса, қандай яхши. Жадвалда кўрсатилган вақт оралиқларига риоя этиш ҳам хизмат кўрсатиш маданиятига киради. Хоҳиш бўлса, яна кўпгина янгиликлар қилиш мумкин.

Хуллас, ҳайдовчи автобус салонидаги йўловчиларнинг хавфсизлиги, уларга маданий хизмат кўрсатиш учун масъуллигини унутишга ҳаққи йўқ.

**Бобомурод ТОШЕВ,**
**«Postda» мухбири.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:**

Бугунги кунда барча соҳаларда электрон тўловлар тизими кенг жорий қилинмоқда. Жамоат транспортида йўл ҳақини тўлашда ана шу тизимга тўлиқ ўтиш вақти келди, деб ўйлаймиз. Шунда ҳайдовчилар кунлик пул тушуми «ғам»идан бутунлай фориғ бўлишарди. Қолаверса, йўловчи ташийдиган автобусларнинг бутун йўналиш бўйича жадвалда кўрсатилган вақт оралиқларига риоя қилган ҳолда ҳаракатланишини ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида назорат қилиш диспетчерларга ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаса керак. Юқоридаги таклифларимиз борасида мутасадди ташкилотлар раҳбарларининг жавобини кутиб қоламиз.

## ПРЕСС-СЛУЖБА НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИИ СООБЩАЕТ:

### КОМАНДУЮЩИЙ НАЦИОНАЛЬНОЙ ГВАРДИЕЙ – ВО ГЛАВЕ ФЕДЕРАЦИИ РУКОПАШНОГО БОЯ



Под председательством министра физической культуры и спорта Д. Набиева прошло заседание Федерации рукопашного боя правоохранительных органов Узбекистана, в котором приняли участие советник Президента Республики Узбекистан А. Абдувохидов, командующий Национальной гвардией генерал-майор Р. Джураев и другие ответственные лица.

Был заслушан отчет о проделанной работе. На должность председателя Федерации был избран командующий Национальной гвардией Республики Узбекистан Р. Джураев.

Были озвучены главные направления развития рукопашного боя, в частности:

– активизация работы по широкому вовлечению в этот вид спорта сотрудников и военнослужащих правоохранительных органов Республики Узбекистан;

– разработка конкретных мер по популяризации рукопашного боя среди населения, особенно молодежи и подростков, проведение бесплатных тренировок для детей из малообеспеченных семей и домов «Мехрибонлик»;

– проведение ведущими зарубежными спортсменами семинаров и мастер-классов для молодежи;

– укрепление материально-технической базы существующих спортивных залов, создание необходимых условий для подготовки профессиональных спортсменов;

– проведение в следующем году в городе Ташкенте чемпионата мира с участием представителей из более 40 стран; рассмотрение вопроса об организации Азиатской федерации рукопашного боя со штаб-квартирой в столице Узбекистана.

Председатель Федерации внес предложение о ежегодном проведении национальных и международных соревнований по рукопашному бою на Кубок командующего Национальной гвардией Республики Узбекистан.

Для широкой популяризации рукопашного боя в нашей стране были поставлены задачи по созданию официального веб-сайта Федерации и ведению ее страниц в социальных сетях.

### ЯРМАРКА ВАКАНСИЙ

По инициативе Управления Национальной гвардии по Навоийской области и хокимията Карманинского района совместно с районной прокуратурой и центром содействия занятости населения была проведена ярмарка вакансий.

78 предприятий, организаций и учреждений района предоставили 176 вакантных и квотированных рабочих мест. В результате трудоустроены 58 граждан, в том числе 37 женщин, 21 представитель молодежи.





### ВО ИМЯ СВЕТЛОГО БУДУЩЕГО



Территориальные подразделения Национальной гвардии организуют мероприятия, направленные на повышение общественной активности молодежи, воспитание юношей и девушек в духе уважения к национальным и общечеловеческим ценностям, способными противостоять деструктивным влияниям и идеологиям.

Недавно в рамках реализации пяти важнейших инициатив в Джизакской области, в Эко-парке был организован конкурс для детей сотрудников службы охраны Национальной гвардии. Цель – развитие у мальчиков и девочек интереса к творчеству, искусству, раскрытие способностей и талантов.

Рисунки участников мероприятия были достойно оценены авторитетным жюри. Всем детям подарили школьные принадлежности.

### ПЕРВЕНСТВО ПО ТРИАТЛОНУ

В нашей стране созданы все условия для того, чтобы молодежь занималась спортом, ведется пропаганда здорового образа жизни.

В последнее время набирает популярность триатлон. Регулярные тренировки проводятся среди военнослужащих Вооруженных Сил, поскольку занятия данным видом спорта формируют дисциплинированность, выдержку и выносливость.

Триатлон широко внедряется и в подразделениях Национальной гвардии, а в ФСО «Динамо» созданы специальные спортивные секции для военнослужащих, сотрудников и молодежи.

9 сентября состоялось первенство по триатлону среди подразделений Национальной гвардии, расположенных в городе Ташкенте и столичной области. Инициаторами выступили Национальная гвардия и Федерация триатлона Узбекистана. Состязания проводились на базе ФСО «Динамо».

20 военнослужащих из пяти команд состязались в заплыве на дистанцию 500 метров, велогонках на 8 километров и беге на 3 километра. На все было отведено 60 минут.



По итогам напряженной и бескомпромиссной борьбы первое и третье места заняли команды, представлявшие Управление по городу Ташкенту, второе место – за командой Управления по Ташкентской области. Победителем в номинации «Лучший спортсмен» стал военнослужащий из команды Ташкентской области.

Победителей и призеров наградили ценными подарками, дипломами и переходящим кубком.

### ПРЕДОТВРАЩЕНО ХИЩЕНИЕ





4 сентября, примерно в 9.30 утра, сотрудники Управления охраны Национальной гвардии Навоийской области остановили возле Южного автомобильного выезда из АО «Навоиазот» принадлежащий ООО Doniyor Logi Trang грузовик марки Volvo, за рулем которого сидел 24-летний житель Гиждуванского района Бухарской области М. А.

При осмотре выяснилось, что вместо указанных в накладной 20 тонн суспендированного поливинилхлорида марки ПВХ-С-63-46-М (SG5) в кузове находилось 22 тонны данной продукции. Неучтенные 2 тонны стоимостью 15 миллионов 405 тысяч сумов вывозились без сопроводительных документов.

На место происшествия прибыла следственно-оперативная группа УКД ОВД города Навои. По данному факту проводится предварительное расследование.

**Материалы полосы подготовила лейтенант Нозима МАХМУДОВА.**

ИЗ УСТ ОПЕРАТИВНИКА

# ЗЛОУМЫШЛЕННИКОМ ОКАЗАЛСЯ НЕСОВЕРШЕННОЛЕТНИЙ

**4 сентября 2020 года, около 17.30 дня, уроженец г. Ташкента Билолхон обратился в УКД ОВД Чиланзарского района с заявлением, в котором указал, что утром, около 10.30, оставил свою белую «Нексию» на автостоянке возле Ташкентского вещевого рынка и ушел на работу. Когда вернулся, машины не нашел. В течение нескольких минут на место происшествия прибыла следственно-оперативная группа УКД ОВД Чиланзарского района.**





В ходе проведенных оперативно-розыскных мероприятий сотрудники установили личность злоумышленника. Им оказался уроженец Кашкадарьинской области, 17-летний Маъмуржон. Выяснилось, что разыскиваемый автомобиль выехал за пределы столицы. На следующий день его заметили в Кашкадарьинской области, где злоумышленник и был задержан стражами порядка.

Вскрылось также то, что Маъмуржон в августе текущего года украл из салона автомобиля «Малибу», припаркованного на одной из улиц Чиланзарского района, 4 200 долларов США и 6 млн 200 тысяч сумов.

– В первый раз приехал в Ташкент 4 августа, – рассказал в присутствии своего адвоката несовершеннолетний Маъмуржон, – познакомился с Шохрухом и Чарос. Они помогли мне найти жилье. Шохрух предложил работу, сказал, что за час можно поднять неплохие деньги, и указал на автомобиль «Малибу». Я открыл дверь, осмотрел бардачок. Там лежала барсетка, а в ней деньги. Взял их и отдал Чарос. Часть этих денег она дала мне, и я уехал в Кашкадарью. Некоторое время спустя снова приехал в Ташкент. Проходя мимо вещевого рынка, увидел на автостоянке машину с оставленными в замке зажигания ключами. Сел в нее, завел и уехал в Кашкадарью. На следующий день меня поймали. Сейчас сожалею о своих поступках.

– В отношении несовершеннолетнего Маъмуржона следственный отдел УКД ОВД Чиланзарского района возбудил уголовное дело по двум статьям УК Республики Узбекистан: ч. 3 ст. 169 («Кража») и ч. 1 ст. 267 («Угон транспортного средства»), – говорит следователь следственного отдела УКД ОВД Чиланзарского района лейтенант У. Рахматуллаев. – К Маъмуржону применена мера пресечения в виде заключения под стражу. Следствие продолжается.

ГУВД г. Ташкента призывает граждан и гостей столицы быть бдительными, не надеяться на сигнализацию, не оставлять ключи в замке зажигания, закрывать двери и окна автомобилей.

**Равшан МУХИДДИНОВ.**

СОСТАВ ПРЕСТУПЛЕНИЯ



# ПРЕСТУПИВ ВСЁ...

**Для молодых людей, совершивших в Навоийской области разбойное нападение в отношении пожилого, по сути беззащитного человека, ни закон, ни заповедь о почитании старшего поколения видимо вовсе не указ – алчность сильнее.**

**Полтора миллиона сумов – вот чем они поживились, проникнув в дом убеленной сединами женщины.**

3 сентября 2020 года, примерно в 11.40, двое неизвестных лиц с целью завладения чужим имуществом путем разбоя, вступив в предварительный сговор, надев на лица маски, ворвались в квартиру 87-летней П. Т., проживающей по улице Геологов в Учкудукском районе. Злоумышленники знали, что женщина проживает одна, оказать сопротивления им не сможет.

Завязав рот П. Т. принесенным с собой куском материи, они несколько раз ударили женщину по лицу, нанеся ей тем самым телесные повреждения, а затем похитили из шкафа, находящегося в спальной комнате, 1 млн 500 тысяч сумов и скрылись с места происшествия.

По информации Следственного департамента при МВД Республики Узбекистан, по данному факту следственной группой при ОВД Учкудукского района возбуждено уголовное дело по п. «в» ч. 3 ст. 164 («Разбой») УК Республики Узбекистан. Предпринятыми оперативно-розыскными мерами установлено, что данное преступление совершили 23-летний Н. Х. и 19-летний Э. Н., которые были привлечены в качестве подозреваемых и задержаны в процессуальном порядке.

В настоящее время предварительное следствие по данному делу ведется Следственным управлением при УВД Навоийской области.

**Соб. корр.**

БЕЗОПАСНОСТЬ ДОРОЖНОГО ДВИЖЕНИЯ






# ОТВЕТСТВЕННЫ ЗА ПАССАЖИРОВ, НО...

**Водители автобусов и маршрутных такси, организации, эксплуатирующие пассажирские автотранспортные средства, несут ответственность за безопасность людей, которых они перевозят. Территориальными подразделениями ГСБДД на регулярной основе проводятся профилактические мероприятия по контролю за соблюдением водителями и должностными лицами автотранспортных предприятий норм и условий безопасных перевозок.**

Сотрудниками УБДД ГУВД Ташкентской области проведен очередной рейд «Автобус», направленный на предотвращение ДТП и аварийности на транспорте, осуществляющем перевозки пассажиров.

На 12 автовокзалах, 22 автостоянках, а также на иных пунктах контроля инспекторами велась работа с водителями, разъяснялась необходимость неукоснительного соблюдения правил безопасности движения, требований к техническому состоянию, оборудованию и эксплуатации автотранспорта. Отмечалось, что это не излишняя мера предосторожности, поскольку любая неисправность элемента автомобиля представляет угрозу безопасности пассажиров. В ходе мероприятия особое внимание уделялось соблюдению правил, предъявляемых к общественному транспорту в период пандемии.

По итогам рейда выявлено 31 нарушение. В частности, установлено 2 факта истечения срока обязательного технического осмотра автомобиля, один факт наличия неисправности в системе транспортного средства, 9 фактов несоблюдения правил перевозки людей, 3 случая отсутствия у водителей необходимых документов, а также 16 других нарушений. По каждому факту составлен административный протокол, виновные привлечены к ответственности.

В рамках профилактического мероприятия проводилась работа и с руководителями пассажирских автотранспортных предприятий. На основе анализа выявленных недостатков, даны указания и рекомендации по их устранению, подчеркнута значимость строгого соблюдения правил пассажирских перевозок, обеспечения соответствия технического состояния и оборудования транспортных средств предусмотренным стандартам.

**Радик ТУМПАРОВ, корреспондент «На посту».**

*Ташкентская область.*

ХИЗМАТЛАРДА

# ТАКОМИЛЛАШАЁТГАН СОҲА




**Бугун юртимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш, аҳоли тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлаш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бунда Миллий гвардия қўриқлаш хизмати имкониятларидан унумли фойдаланиш ҳам ўзининг ижобий натижасини кўрсатмоқда.**

Айтиш керакки, ҳозирда қўриқлаш хизмати томонидан 31 мингдан ортиқ давлат ва халқ хўжалиги объектлари, фуқароларнинг 13 мингдан ортиқ хонадонлари ишончли қўриқлаб келинмоқда. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш кўламини ошириш, аҳолининг қизиқишини ошириш мақсадида мунтазам равишда тарғибот ва тушунтириш ишлари олиб борилиб, тадбиркорлик субъектлари ҳамда хонадонларни қўриқловга олиш чоралари кўрилмоқда. Шунингдек, тарғибот ишларида тегишли маълумотларни тақдим этиш мақсадида ташкил этилган интернет тармоғидаги расмий веб-сайт ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифалардан ҳам самарали фойдаланилмоқда. Эндиликда фуқаро қўриқлаш хизматига шахсан бориб мурожаат қилишига ҳожат қолмади. Исталган жойдан қўриқлаш хизмати сайтига кириб, объект ва хонадонни техник қўриқлаш марказлари ва пунктларига улаш учун онлайн аризаларни расмийлаштириш тартиби жорий қилинди.

Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича олиб борилаётган чора-тадбирлар негизида, албатта, замонавий ва барча шарт-шароитларга эга бўлган маъмурий биноларни ташкил этиш ҳам кўзда тутилган. Шу муносабат билан яқинда Қўриқлаш бош бошқармасининг Тошкент шаҳридаги Сергели ва Бектемир, Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ ва Олмалиқ туманларида жойлашган бўлинмалари маъмурий бинолари таъмирланиб, қўшимча янги иншоотлар қурилиб, замонавий жиҳозланган ҳолда фойдаланишга топширилди. Биноларда фуқароларни қабул қилиш, маърифат, психолог хоналари, кутубхона, ошхона, спорт зали, электрон тир ташкил этилиб, барча қулайликлар яратилди.

Таъкидлаш жоизки, кўркам кўринишга эга бўлган бинолар замонавий тизим асосида ташкил этилди. Тезкор навбатчилик қисмлари ҳудудларни видеокузатув ёрдамида назорат қилиш ҳамда хизмат автомашиналарини GPS орқали кузатиш, шунингдек, ҳуқуқ-тартибот органлари билан тезкор алоқа тизими билан тўлиқ таъминланди. Бу эса жиноят ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиб, юз берган жиноятларни тезда фош этишга хизмат қилади.

Жиноятларнинг «иссиқ изида» аниқланишида ходимларнинг жисмоний ва жанговар тайёргарлиги муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун уларни чиниқтириш, ҳар қандай вазиятга шай ҳолатга келтириш юзасидан спорт тадбирлари, ўқув машғулотлари мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Қўриқлаш хизматининг салоҳияти ва техник имкониятларини кенгайтириш масаласи ҳам доимий диққат эътиборда. Яқинда тизим ходимларига янги 30 дан ортиқ «Нексия-3», 10 та «Ласетти», 10 та «Нива», 4 та «Дамас», 3 та «УАЗ Патриот» ва 2 та «Трекер» русумидаги хизмат автомобиллари берилгани бунинг тасдиғидир.





Шунингдек, қўриқлаш тизимида намунали хизмат қилаётган, соҳа равнақи учун ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган фидойи ходимларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилдан бошлаб 305 нафар ходимнинг 341 нафар фарзандининг олий таълим муассасаларига киришлари учун қўшимча квоталар ҳам ажратилиб, имтиёзли тавсияномалар берилди.

Бу каби саъй-ҳаракатлар сифатли ва самарали, замон талаблари асосида фаолият олиб боришда муҳим омил бўлмоқда.

**Шуҳрат ДУРМАТОВ,**
**Миллий гвардия Қўриқлаш бош бошқармаси матбуот бўлими бошлиғи, подполковник.**



ҚОРОВУЛ ҚЎШИНЛАРИДА

## ҲАМ САЁҲАТ, ҲАМ ЗИЁРАТ

**ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг самарали хизмат қилишлари ва мазмунли дам олишлари учун вазирлик раҳбарияти томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Яқинда Бухоро вилоятида жойлашган 7536-ҳарбий қисм муддатли ҳарбий хизматчиларининг маданий ҳордиқ чиқаришлари учун Бухоро шаҳрига саёҳат уюштирилгани ҳам фикримиз тасдиғидир.**

Бундан кўзлаган асосий мақсад йигитлик бурчини ўтаётган ёшларда ватанпарварлик туйғусини шакллантириш, юртга бўлган меҳр-муҳаббат ва садоқатини кучайтириш ҳамда уларнинг маънавий-маърифий билимларини янада оширишдан иборат.

Жонажон юртимизнинг мард ва жасур ўғлонлари дастлаб Бухоро аркига ташриф буюришди. Бу ерда улар амирлар, амалдорлар ҳамда лашкарбошиларнинг уй-жойлари, давлат девонлари, зарбхона, масжид, сардоба ва бошқа бинолар билан яқиндан танишишди.

Шунингдек, шаҳардаги Минораи калон, Мир Араб ва Улуғбек мадрасалари ҳамда Чор минор ва Болоҳовуз масжиди, Лабиҳовуз, Пойи калон, Ситораи Моҳи Хоса ансамбли ва Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилишди.

Ватанимиз ҳимоячиларининг бой ва узоқ ўтмишимизга доир тарихий билимларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилган ушбу тадбир барчада унутилмас таассурот қолдирди.

## ХИЗМАТ САМАРАДОРЛИГИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ЙЎЛИДА

**Яқинда ИИВ Қоровул қўшинларига қарашли дала ўқув полигонида Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, ИИВ Жазони ижро этиш бош бошқармаси ва Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси ҳамкорлигида махсус-тактик ўқув машғулотлари бўлиб ўтди.**

Иштирокчиларнинг хизмат, касбий ва жанговар тайёргарлигини ошириш мақсадида ташкил этилган ўқув машғулотида ИИВ Қоровул қўшинлари ҳарбий хизматчилари ўқ отиш, тактик тайёргарлик ва оммавий қирғин қуролларидан ҳимояланиш бўйича пухта тайёргарликка эга эканликларини намойиш этиб, олган назарий билимларини ҳар қандай вазиятда қўллай олишларини исботлашди.

Тадбир якунида махсус-тактик ўқув машғулотларида алоҳида намуна кўрсатган бир гуруҳ ҳарбий хизматчилар ИИВ Қоровул қўшинлари қўмондонлигининг фахрий ёрлиғи ва қимматбаҳо эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ўқув машғулотлари давомида ҳарбий хизматчиларнинг юксак жанговар шайлиги яна бир бор синовдан ўтказилиб, улар ўзларининг юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталикнинг муносиб ҳимоячилари эканлигини тасдиқлашди.

**Ўз мухбиримиз.**

ОЗОДЛИК – НАҚАДАР ТОТЛИ СЎЗ

**Тошкент вилояти Қибрай туманининг «Ойбек» номли маҳалласида истиқомат қилувчи Дилшод Раҳматуллаев билан телефон орқали суҳбатимиз чоғида айтган гапидан вужудим жимирлаб кетди.**

# ОСМОН ТЎЛА ЮЛДУЗЛАР...

«Оч юрсангиз ҳам, озодликда яшашга нима етсин экан, ака! Мен панжара ортида саккиз йил ўтириб, бунга тўла иқрор бўлдим. Мана, бугун озодликдаман. Бунга Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 25 йиллиги арафасида Юртбошимизнинг афв этиш тўғрисидаги фармони туфайли мушарраф бўлдим. Менга ҳам озодлик ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олиш насиб этди. Кеч бўлса-да, кўзим очилди. Маҳкумликда ўтган йилларим бир умрга татийдиган сабоқ бўлди. Энди ортга қайтиш йўқ. Тазарруддаман. Энди фақат ва фақат олға юриш бор. Ота-онамнинг, менга кафил бўлган маҳалламнинг ишончини оқлаб, уларнинг хизматини қилиш, ўлгунимча элимга камарбаста бўлиш, оиламни кўз қорачиғимдек асраш бундан бўёнги энг олий мақсадимдир», деди у.

Дилшод элда эъзоз ва қадр-қиммат топган шифокорлар оиласида туғилиб, вояга етди. Туманимиздаги 25-умумтаълим мактабида таҳсил олди. «Ойбек» номли маҳалла бутун Қибрай туманининг фахри-ифтихори ҳисобланади. Чунки бу гўшада миллатимизнинг не-не алломалари, таниқли олимлари, не-не табаррук зотлари яшаб ўтмади, дейсиз. Авваліга Дилшод ҳам улар изидан борди. Илм чўққиларини забт этмоқни истади. 2001 йили Тошкент ахборот технологиялари институтини тамомлаб, телекоммуникациялар технологияси мутахассислиги бўйича бакалаврлик дипломини қўлга киритди. Мутахассислиги бўйича иш бошлади.

Танлаган касби унга завқ берарди. Марказий Осиё бўйлаб тез-тез сафарга чиқарди. 2009 йили Дилшодни Қозоғистонга иш сафарига йўллашди. Шу ерда бир гуруҳ ватандош йигитлар билан танишиб қолди. Улар Дилшодни турли зиёфатларга, издиҳомларга таклиф этадиган бўлишди. Дилшод Раҳматуллаев ўзи сезмаган ҳолда гуруҳга қўшилиб кетди. Хуфиёна давралардаги суҳбатлар, маърузалар, тарғибот-ташвиқотлар қандай қилиб унинг дунёқарашини, мақсад-маслагини ўзгартириб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди. Фақат тергов чоғидагина беихтиёр ёт гуруҳлар сафига қўшилиб қолганини, қалтис йўлга қадам босиб қўйганини англади. Бироқ энди кеч бўлган эди. Уни қаноти остига олганларнинг мақсад-муддаоси ўзбек халқининг онг-тафаккурини жоҳиллик ғоялари билан заҳарлаш, жиҳодга, қон тўкишга ундаш, ғаламисликка чорлаш, пировардида конституциявий тузум дахлсизлигига тажовуз қилишдан иборат эди. Булар бари фош бўлиб, Дилшод ва унинг валинеъматлари узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

– Қамоқдан ўтган ҳар куним мен учун бир йилдай гап эди, – дейди Д.Раҳматуллаев. – Айниқса, ҳар куни панжара ортида туриб тонгни қаршилаш, осмон тўла юлдузларга тикилиб хаёл суриш кўнгилни ўкситарди. Қамоқдан чиқсам, ҳеч қачон бундай йўлга кирмайман, бор куч-қувватимни жамият учун фойдали ишларга бахшида этаман, деб ўз-ўзимга сўз берардим.



Ҳа, Дилшодни афв этишди. Зеро, азалдан йиқилганни суяш, қийналганга елка тутиш, муҳтожларга ёрдам қўлини узатиш, эзгу ва савобли юмушлар йўлида бирдам, ҳамжиҳат бўлиш миллий фазилатларимизнинг устуни бўлиб келган. Бу сифатлар кеча ё бугун шаклланмаган. Улар асрлар давомида қон-қонимизга сингган, ўзлигимизни, кимлигимизни, аслимизни кўзгудек намоён этувчи қадриятларга айланган.

Озодликка чиққан Дилшод тезда ҳаётда ўз ўрнини топди. Ҳозирда у «Саркор – Телеком» Россия–Ўзбекистон корхонасида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаяпти. Бор билими ва тажрибасини соҳа ривожига бахшида этмоқда. Оила қурди. Энди фарзанд кўриш орзусида.

– Озодликда осмон тўла юлдузларга тикилиб, ортимга тез-тез назар ташлаб қўяман, йўл қўйган хатоларимдан тегишли хулоса чиқаришга интиламан, – дейди Дилшод.

– Мен Дилшоднинг тўғри йўлга кирганига, қилмишларидан пушаймон эканлигига ишонаман, – дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Насиба Имомназарова. – Тўғри, у ёмон қоқилди, аммо тезда буни англаб етди. Эндиликда маҳалламизнинг фаол аъзоларидан бири ҳисобланади.

Афв туфайли озодликка чиққан фуқароларимизнинг ижтимоий мослашувига, тўғри йўлга тушиб олишига маҳалла-кўй, қариндошлар, имом-хатиблар, умуман, кенг жамоатчилик яқиндан ва самимий кўмак кўрсатмоқда. Афв этилганларнинг ушбу ишончни суиистеъмол қилмасликлари, берган ваъдаларига хиёнат қилмасликлари инсоний бурч ҳисобланади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, бу воқеа юртимизда олиб борилаётган инсонпарварлик, халқимизга хос бағрикенглилик, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш, кечиримлилик сиёсатининг, олижаноблик ва меҳр-мурувват кўрсатиш каби эзгу фазилатларнинг ёрқин ифодаси бўлди.

**Юсуф МИРЮСУФЗОДА,**
**Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.**

---

**Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи Ф.Д. яқинда Нурота тумани ИИБга ариза билан мурожаат этди. У ўз аризасида бундан уч йил бурун Нурота туманининг Қўшқудуқ қишлоғида яшовчи таниши Ў.Ю.га оғзаки келишув асосида умумий нархи 54 миллион 800 минг сўмлик 137 бош қўй-эчкисини ишониб топширганлигини баён қилади.**

# ОҒЗАКИ КЕЛИШУВДАН «ОҒЗИ КУЙДИ»

«Хўш, топширса нима қилибди?», дерсиз. Гап шундаки, шунча вақт ўтганидан кейин Ў.Ю. ишониб топширилган молларни талон-торож қилиб юборганлиги маълум бўлади. У эгасига на қўй-эчкиларни, на уларнинг пулини қайтаради. Шундан сўнг жабрланувчи арз қилишга мажбур бўлади.

Ушбу ҳолат юзасидан Нурота тумани ИИБ томонидан гумон қилинувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси (Ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш) 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов қадар суриштирув ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Таассуфки, баъзи фуқароларда ҳуқуқий маданиятнинг саёзлиги уларнинг алдамчи кимсалардан жабр кўришига олиб келмоқда. Зеро, қонунни билмаслик инсон ҳуқуқлари поймол этилишининг асосий сабабларидан биридир.



# ЭҲТИЁТСИЗЛИК КЕЛТИРГАН КЎНГИЛСИЗЛИК

Зарафшонлик М.Ш. эҳтиётсизлик оқибатида «Редми-7» русумли уяли телефонини кўчада тушириб қўяди. Шу кунларда телефонини йўқотаётганлар камми? Илгарилари уяли алоқа воситалари жуда қиммат турарди. Ҳозир ҳар ким йўқотиб қўйган телефонини қидиришга эринса, қурбига қараб, бошқасини сотиб олиши мумкин.

Тушиб қолган буюмни Зарафшон шаҳрида яшовчи К.В. топиб олади. У телефон хотирасидаги М.Ш.га тегишли бўлган шахсий пластик карта рақами тасвирини кўриб, ҳисобида маблағи бўлмаса-да, ўзининг андроид қўл телефонида мавжуд бўлган «PayMe» дастурига киритиб қўяди.

Орадан бир неча кун ўтиб, пихини ёрган бу кимса М.Ш.нинг ойлик маоши пластик картасига тушганлиги тўғрисидаги хабарномани ўқиб қолади. Ўзиям шуни кутиб юрган учун дарҳол 1 миллион 323 минг сўм пул маблағини яширин равишда талон-торож қилиб, ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборади. Ҳозирда Зарафшон шаҳар ИИБ томонидан К.В.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси (Ўғрилик) 3-қисми билан жиноят иши қўзғатилган.

Афсуски, юқоридагига ўхшаган инсоф-диёнатни унутган, ўзгаларнинг ҳалол меҳнат эвазига топган насибасига кўз олайтирадиган кимсалар ҳамон орамизда учраб туради. Уларнинг қилмишларидан огоҳ бўлинг, ўзаро келишувларни ёзма равишда расмийлаштиринг, шахсий пластик картангизнинг рақамини бировлардан сир тутинг, устаси фаранглар пуч ваъдаларига ишонманг. Халқимиз иборасида айтганда, «Ўзингиздан эҳтиёт бўлинг ва қўшнингизни ўғри тутманг.

**Дилрабо АБДУҲАМИДОВА,**
**ўз мухбиримиз.**
*Навоий вилояти.*

---

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Халқаро аэропортларда хавфсизликни таъминлаш қўшинлари қўмондонлиги раҳбарияти, шахсий таркиби қўмондон ўринбосари, полковник Нурмуҳаммад Пирматовга волидаи муҳтарамаси

**ДИЛБАР аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан таъзия изҳор этади.

ЗДОРОВЬЕ

# Десять правил питания осенью

**За окном осень, а это значит обострение хронических болезней и ОРВИ. Сохранить здоровье и подготовить организм к зиме помогут правильно составленное меню и разумные принципы питания.**



## Держим баланс

Осенью иммунитету требуется мощная подзарядка. Это не значит, что нужно есть все подряд. Напротив, потребление калорийной пищи нужно снизить. В холода организм усиленно откладывает жиры про запас. Чтобы не обзавестись лишними килограммами, есть нужно белое мясо, птицу, рыбу, морепродукты, орехи. Не забывайте о сложных углеводах, белках и клетчатке.

## Соблюдаем режим

Нужно есть часто, но в меру. Для этого следуйте простой формуле: три основных приема пищи плюс три



перекуса. По утрам «заправляйтесь» всей семьей кашами и блюдами из творога. Старайтесь, чтобы обед был насыщенным и в меру плотным. Ни в коем случае не переедайте за ужином. Выбирайте для перекусов бананы, авокадо или сухофрукты.

## Варим супы

Горячие супы незаменимы осенью, особенно грибной. Томим в масле до золотистого цвета нашинкованную



морковь с луковицей. Затем добавляем 150 г грибов, 2 картофелины брусочками и томим еще 3–5 минут. Заливаем овощи литром бульона и варим до готовности картошки. Высыпаем 150 г вермишели, соль и специи по вкусу. Это простое, но чрезвычайно вкусное блюдо понравится всем домочадцам.

## Запасаемся злаками

В период межсезонья важно очистить организм от токсинов и шлаков.



В этом помогут богатые клетчаткой злаки: гречиха, ячмень, овес, рожь, пшеница и бурый рис. Гарниры из них получаются вкусные и питательные. Да и в любых других блюдах им всегда найдется место. Не стоит забывать о цельнозерновых макаронных и хлебобулочных изделиях. Употребляя их в умеренных количествах, вы наладите обмен веществ и не наберете лишнего веса.

## Гвоздь меню – картофель



Его можно есть вареным, жареным, запеченным, в мундире. Но лучшее осеннее блюдо – запеканка. Пропускаем через мясорубку 400 г говядины с луковицей и пучком петрушки, обжариваем фарш в масле. Отвариваем 1 кг картофеля и делаем из него пюре. Половину выкладываем в сковороду, сверху утрамбовываем фарш и закрываем его оставшимся пюре. Смазываем запеканку сметаной, посыпаем тертым сыром и ставим в разогретую до 180 °С духовку на 45 минут.



## Полезны молочные продукты

Творог, кефир или простоквашу важно потреблять каждый день. Это отличная подпитка для иммунитета. Особенно полезны живые йогурты. Малышам они полагаются в первую очередь.

## Фантазируем с овощами

Пока есть возможность, налегайте на свежие овощи и готовьте из них осенние блюда, например, рагу из тыквы. Обжариваем в масле луковицу, морковь и болгарский перец. Когда они размягчатся, добавляем 300 г тыквы кубиками и 2 томата без



кожицы. Тушим овощи 10 минут и следим, чтобы они не разварились. В конце кладем щепотку соли и перца. Украсьте готовое блюдо свежей зеленью и тыквенными семечками.

## Делаем заготовки

За лето организм привыкает к фруктам и осенью чувствуется их нехватка. Сентябрь – самый разгар за-



готовок. Заливаем кипятком две нарезанные ломтиками груши и доводим до кипения. Из полученного отвара и 1 кг сахара готовим сироп. Заливаем им груши, 500 г слив, 200 г винограда, 2 яблока брусочками и варим 5 минут. Отдельно кипятим нарезанные кружками лимон и апельсин. Соединяем их с остальными фруктами, томим до прозрачности и консервируем. Этот «кусочек лета в банке» напитает вас энергией и силой.

## Выбираем сладости

Самое время вспомнить о кураге, изюме, черносливе и финиках. До-



машняя фруктовая пастила, натуральный мармелад и мед тоже подсластят настроение всей семье без вреда для здоровья.

## Устраиваем чаепития

Чай – незаменимый продукт во все времена года. Кто-то любит черный чай, кто-то – зеленый. Но всем понравится следующий рецепт. Удаляем косточки из 10 слив, варим их 5 минут в 500 мл воды, кладем палочку кори-



цы и щепотку ванили. Процеживаем отвар и снова доводим до кипения. Заливаем им смесь из 2 ст. л. каркаде и 1 ст. л. черного чая, укутываем полотенцем и настаиваем 10 минут.

Пусть эта осень будет яркой, беззаботной и богатой на счастливые события. Берегите себя и своих близких!

*Не забудьте проконсультироваться с врачом.*

**Подготовлено по материалам интернета.**



## Ситуация в пандемией коронавируса остается напряженной

Смягчение карантинных мер – лишь объективная необходимость, а не повод предаваться беспечности, поскольку в этих условиях значительно возрастает риск распространения вируса ввиду большего нахождения людей в общественных местах. Об этом вновь и вновь подчеркивают медицинские работники.

Нам всем необходимо сохранять бдительность и проявлять ответственность, строго соблюдая установленные требования для защиты от опасного вируса.

Уважаемые сограждане!

Вирус не отступил. Он еще «гуляет» по миру. Соблюдайте меры безопасности. Не забывайте надевать маску!

ЭТО ИНТЕРЕСНО



# История швейной машинки

**По сведениям историков, первым автором проекта машинки для шитья был знаменитый Леонардо да Винчи в XV в. Но, к сожалению, чертежи так и остались на бумаге, не будучи воплощенными в жизнь.**

Вновь вернулись к этому изобретению лишь в 1755 году в Германии. Карл Вейзенталь запатентовал устройство, копировавшее метод ручного получения стежка. Спустя 35 лет в Англии Томас Сент изобрел швейную машину для изготовления обуви. После этого во Франции Бартелеми Тимонье придумал свою версию механизма и первым основал автоматизированную швейную фабрику, которую сожгли портные из-за боязни конкуренции. И только спустя еще 55 лет, уже в XIX веке, американский изобретатель Эллиас Хоу разработал модель машинки, совершавшей около трехсот стежков в минуту.

Этот колесный механизм для стачки длинных полотен из парусины был огромного размера и занимал значительное пространство. Швейные машины такого вида можно было увидеть в мастерских по производству парусов. До нашего времени ни их изображения, ни описания не дошли, однако сохранились более поздние модели.

Если проект Карла Вейзенталя копировал образование стежка вручную, на машинке Томаса Сента, для того чтобы привести ее в движение, необходимо было крутить специальное колесо, а устройство Бартелеми Тимонье действовало по принципу однониточного цепного переплетения, то изобретение Эллиаса Хоу содержало в себе челнок, такой же, как в ткацких станках. Ткань накалывалась на шпильки транспортера и механически передвигалась, а игла перемещалась в перпендикулярном направлении. Одна такая машинка заменяла труд пяти портных. Основным недостатком устройства была его частая поломка, поэтому другие изобретатели занялись его усовершенствованием.

В середине XIX века это получилось у Исаака Зингера. Он создал модель с ножным приводом, освобождающим руки портных, что позволяло им самим передвигать ткань в любых необходимых направлениях. Ткань фиксировалась специальной лапкой, а затем перемещалась при помощи зубчатого колеса. Благодаря таким машинкам, швеям удавалось создавать гораздо более длинные швы, чем в ранних версиях.

Имя Зингера на слуху практически у всех, кто когда-либо работал на швейных машинках. Созданные им устройства настолько надежны и долговечны, что работают до сих пор, спустя более 150 лет!



Исаак Зингер начинал свою карьеру инженером в мастерской по ремонту швейного оборудования. Часто машинки Хоу попадали к нему в сломанном состоянии. Он заключил пари с хозяином мастерской, что сможет изобрести гораздо более прочное устройство, с долгим сроком эксплуатации. Свою знаменитую машинку Зингер создал всего за 11 дней. Помимо прочих достоинств, она имела сменные механизмы, что позволяло самостоятельно покупать необходимые запчасти и значительно упрощало ее ремонт.



Поскольку промышленным компаниям было гораздо выгоднее содержать штат швей-поденщиц с низкими зарплатами, нежели приобретать дорогое по тому времени оборудование, Зингер выпустил более компактные версии для домашнего использования, которые можно было приобрести в рассрочку. Их покупало большое количество людей, что обеспечило популярность создателю.

Однако прогресс двигался вперед, и через несколько десятков лет появились электрические швейные машины, приводимые в действие посредством небольшого моторчика и обладающие стандартным набором функций. Они применяются до сих пор, в том числе и в быту, поскольку просты и удобны в использовании.

Современные модели швейных машин обеспечены встроенным электронным микропроцессором. Их можно запрограммировать на создание строчек и рисунков высочайшей сложности. Участие человека в шитье сейчас ограничено лишь установкой необходимых параметров, все остальное машинка делает сама.

История швейной машинки прошла долгий путь, и нам остается только догадываться, какие метаморфозы с ней могут произойти в будущем.

**Подготовил Борис ВЛАДИМИРОВ.**

# ГОРОСКОП НА НЕДЕЛЮ

***(с 21 по 27 сентября)***



**Овен.** Вы будете зажигательными и энергичными, добьетесь успеха почти во всех делах, за которые возьметесь. Для разгрузки можно заняться спортом. Если задумываетесь о том, как сбросить несколько лишних килограммов, сбалансировано питайтесь. Выходные проведите с близкими.



**Телец.** Во всех сферах жизни важно проявить инициативу и напор. На работе придется доказывать профессионализм, в любви – преданность. Стоит избегать эмоциональных нагрузок, они негативно действуют на нервную систему.



**Близнецы.** Неделя окажется довольно удачной, будете полны сил и вдохновения, главное – не потерять пыл к работе. Ожидается много интересных знакомств и других приятных событий. Возможно, предстоит дальняя поездка.



**Рак.** Если остались нереализованные цели или нерешенные вопросы – приложите максимум усилий, чтобы достичь желаемого результата. Возможна дружба с влиятельными людьми, которые поспособствуют продвижению вашей карьеры.



**Лев.** Ваши упорство, сила и энергичность позволят решить дела, на реализацию которых необходимо длительное время. Будьте осторожны с занятиями спортом и физическим трудом, можете пострадать от чрезмерного переутомления. В конце недели возможен дополнительный заработок.



**Дева.** Вас ждут неожиданные перемены. Многим удастся найти работу, которая отнимет много времени, но даст высокий доход. Не забывайте об отдыхе. В семейной жизни нужно идти на уступки. На выходных желательно восстановить силы.



**Весы.** Пора абсолютного обновления. Освобождайтесь от мыслей, которые мешают вам двигаться вперед, сделайте генеральную уборку в доме и избавьтесь от всех ненужных вещей, очистите список контактов в телефоне – откройте двери для того, чтобы в вашу жизнь вошло что-то новое и действительно нужное.



**Скорпион.** Ваша задача – приспособиться к новым обстоятельствам. Полагайтесь на интуицию, из-за долгих раздумий есть риск упустить шансы. Финансы в порядке. Выходные проведите в кругу семьи.



**Стрелец.** Звезды будут способствовать любым вашим начинаниям, главное – не сдаваться и добросовестно выполнять все поставленные перед вами задачи. В работе и бизнесе вас ждут интересные знакомства, которые посодействуют вашему будущему успеху.



**Козерог.** Представится возможность увеличить доход. Предстоит много поездок. Вероятны крупные приобретения: техника, мебель, авто. Однако берегитесь травм и соблюдайте осторожность за рулем.



**Водолей.** Появятся новые возможности. Обсудите их с близкими. Хорошо обдумайте совместные покупки. Займитесь обустройством жилья или поиском нового. Будьте внимательны к своему самочувствию.



**Рыбы.** Чтобы решить накопившиеся рабочие проблемы, обратитесь к коллегам. Неожиданное предложение может оказаться выгодным, но не упустите свой шанс, спрашивая у всех совета. В выходные необходимо расслабиться и привести мысли в порядок.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

# ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ «ЎЗЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ – ОНА ТИЛИМ» МАВЗУСИДА ОНЛАЙН ИНШОЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ички ишлар вазирлиги мамлакатимизда ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини ошириш, вазирлик таълим муассасаларининг курсант (тингловчи) ва ўқувчи ёшларини ватанпарварлик, миллий анъана ва қадриятларга садоқат, улуғ аждодларимизнинг бой меросига ворислик руҳида тарбиялаш, ички ишлар органларида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш ҳамда 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунини муносиб нишонлаш ва бу йўналишда амалга оширилаётган ишларни кенг тарғиб қилиш мақсадида «Ўзлигимиз тимсоли – Она тилим» мавзусида онлайн иншолар танлови эълон қилади.

Мазкур танлов Ички ишлар вазирлиги таълим муассасаларининг курсант (тингловчи) ва ўқувчилари ўртасида 2020 йил 10 сентябрдан 10 октябргача бўлган вақт оралиғида онлайн тарзда ўтказилади.

**Танловни ташкил этиш тартиби**

Танлов бир босқичда (республика миқёсида) ўтказилади.

Танловда иштирокчилар ўзбек тилида, қўлёзма шаклида ёзилган иншолари билан иштирок этади.

**Танлов икки гуруҳ кесимида ўтказилади:**

а) биринчи гуруҳ – Ички ишлар вазирлиги ихтисослаштирилган мактаб-интернати ва академик лицейлари ўқувчилари ўртасида;

б) иккинчи гуруҳ – Ички ишлар вазирлиги Академияси курсант ва тингловчилари ўртасида.

Танловда иштирок этиш истагида бўлган Вазирлик таълим муассасаларининг курсант (тингловчи) ва ўқувчилари «Ўзлигимиз тимсоли – Она тилим» мавзусидаги иншоларини жорий йилнинг 15 октябрь кунига қадар таълим муассасаси раҳбариятига тақдим этишлари лозим.

Танловга келиб тушган иншолар «postda.uz» телеграм манзили орқали эълон қилиб борилади ва Ҳакамлар ҳайъати аъзолари томонидан сараланиб, ғолиблар аниқланади.

Танлов натижалари ҳамда ғолибларнинг иншолари Вазирликнинг «iiv.uz», «postda.uz» веб-сайтлари ва «Postda–На посту» газетаси орқали эълон қилинади.

Танлов натижаларига кўра ғолиблар Ички ишлар вазирлигининг бир марта тўланадиган пул мукофотлари билан тақдирланадилар.

Ғолибларни тақдирлаш 21 октябрь – Ўзбек тили байрами кунига бағишланган тадбирларда тантанали равишда топширилади.

Танлов натижалари ҳамда ғолибларнинг иншолари Вазирликнинг «iiv.uz», «postda.uz» веб-сайтлари ва «Postda–На посту» газетаси орқали эълон қилинади.

**Танлов шартлари билан батафсил «postda.uz» сайти ва «postda.uz» телеграм канали орқали танишишингиз мумкин.**

**Қуйида ушбу танловга келган илк иншони эътиборингизга ҳавола қиламиз:**

# ТАРИХИМСАН, ТАҚДИРИМСАН, ОНА ТИЛИМ!

Тарих гувоҳки, она тилимиз неча асрлардан буён ўз аҳамиятини йўқотмай келмоқда. Ўзбек тилининг энг тароватли томони – у шундай ширали, ҳар бир қулоққа хуш ёқади, эшитган инсон беихтиёр энтикиб кетади. Жонажон тилимиз, шоир Миртемир айтганидек, ёшлигимизданоқ жон қулоғимизга сингиб кетган. Оналаримиз айтган аллаларию бобо-бувиларимиздан эшитган эртак, ҳикоя, ривоят ва масаллар орқали юрагимиз туб-тубигача кириб борган, ўз навбатида, она тилимизга, она Ватанимизга муҳаббат уйғотган.

Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси ўз она тилини севади, уни ҳурмат қилади ва эъзозлайди. Чунки айнан шу тил орқали ҳар қандай миллатнинг қай тарзда яшаётганлигини, ривожланаётганлигини ёки аксинча, орқада қолаётган ва қашшоқлашиб бораётганлигини билишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам бежиз «Тил – миллат кўзгуси», дейишмайди.

1989 йил 21 октябрда «Давлат тили ҳақида»ги қонун қабул қилиниб, ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди. Халқимизнинг муқаддас қадриятларидан бири бўлган она тилимиз ўзининг қонуний мақоми ва ҳимоясига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам давлат тилининг мақоми ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилди. Шу тариқа, ўзбек тили давлатимизнинг байроғи, герби, мадҳияси каби қонун йўли билан ҳимоя қилинадиган муқаддас давлат рамзлари қатори эъзоз ва эҳтиромга сазовор бўлди.




Кейинги йилларда давлат тилининг ижтимоий ҳаётда тутган мавқеини янада мустаҳкамлаш мақсадида бир қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Президентимизнинг 2019 йил 21 октябрдаги фармони билан Давлат тилини ривожлантириш департаменти ташкил қилинди. Бундан кўзланган асосий мақсад давлат тилини ривожлантириш, унинг амал қилиши билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаш, ўзбек тилининг ёзма матни меъёр ва қоидаларини ишлаб чиқишдан иборат.

Она тилимизга бўлган эътибор нафақат бугунги кунда, балки тарихнинг барча даврларида ҳам долзарб аҳамият касб этиб келган. Шу ўринда Беҳбудий бобомиз айтган қуйидаги пурмаъно фикрни эслайлик: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлигини кўрсатадургон ойинайи ҳаёти тил ва адабиётдир. Миллий тилни йўқотмак миллат руҳини йўқотмакдур». Дарҳақиқат, тилнинг аҳамияти, унинг мавжудлиги ҳар қандай юрт, миллат тараққиётини белгилаб бериши, шубҳасиз. Айниқса, бугунги глобаллашув даврида юқоридаги сўзларнинг залвори икки ҳисса ортади.

Тил – миллат кўзгуси, маънавият сарчашмасидир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов «Жамики эзгу фазилатлар инсон қалбига, аввало, она алласи, она тилининг бетакрор жозибаси билан сингади. Она тили – бу миллатнинг руҳидир» дея бежиз эътироф қилмаган. Зеро, ўз тилини йўқотган ҳар қандай миллат ўзлигидан жудо бўлиши муқаррар.

Ёзувчи ва шоирларимиз ҳам тилимиз ҳақида кўплаб пурмаъно сўзларни айтган ва тилни турлича таърифлаган. Абдулла Орипов ўзбек тили йўқолса, тўтига айланиб қолишини, Эркин Воҳидов она тилимиз ўлмаслигини бот-бот таъкидлайди. Она тилимиз ҳисобланмиш ўзбек тилини мадҳ этган шоирларимиз ниҳоятда бисёр.

*Ҳайҳот, топтаганда арабу мўғул,*
*Ҳаётингнинг занжирли йили.*
*Бошдан не кечирдинг мардона ўғил,*
*Ўзбек тили, ўзбек тили.*

Қалами қиличдек кескир шоир Рауф Парфининг юқорида парча келтирилган шеърида юртимизни кўчманчилар истило қилиб, ўз тили ва мафкурасини ўрнатишга ҳаракат қилган бўлсалар-да, ўзбек миллати ўзининг энг қимматли бойлиги, яъни она тилини йўқотмаганлиги акс этган. Ёки шу воқеаларнинг давоми сифатида Хуршид Давроннинг қуйидаги шеърини келтиришимиз мумкин:

*Келиб кетди неча дунёлар,*
*Кулди ҳаёт, йиғлади ўлим.*



Муҳриддин ДАВЛАТНАЗАРОВ, ИИВ Хоразм академик лицейи ўқувчиси.

*Сен деб қурбон бўлди боболар,*
*Улар кетди, сен қолдинг, тилим.*

Шукур Қурбоннинг «Она тилим» қасидасида эса она тилининг мангулиги, барҳаётлиги олдида инсон умрининг бир лаҳзалик хотира эканлиги таъкидланади:

*Сен мангусан, бақосан,*
*Мен эсам – ўткинчи зот.*
*Сен ҳамиша баҳорсан,*
*Мен – лаҳзалик хотирот.*
*Она тилим, жон тилим.*

Ватанимиз мустақиллигининг маънавий асосларини мустаҳкамлаш, халқимиз, аввало, ёш авлодни миллий қадриятларимизга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашда ўзбек тилининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Аллоҳга беҳисоб шукрлар бўлсинки, ўзбек тилининг шон-шуҳрати, обрўси йилдан-йилга ошиб бормоқда. Спорт, фан, маданият ва санъат соҳасида Ўзбекистон ёшларининг саъй-ҳаракатлари беқиёсдир. Юрт келажаги бўлган биз, ёш авлод ўз ҳаракатларимиз билан ўзбек тилини бутун дунё тан олиши, унинг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшишимиз лозим. Шу жумладан, Ўзбекистон ёшлари қаторида, мен ҳам она тилимиз софлигини сақлаш, уни янада юксалтиришга ўз ҳиссамни қўшиш учун астойдил ҳаракат қиламан.

**Postda**
На посту

MUASSIS:
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ICHKI ISHLAR VAZIRLIGI

Bosh muharrir –
polkovnik Bernora SADIKOVA

Bosh muharrir o'rinbosari –
mayor Azizjon FAYZIYEV

Mas'ul kotiblar –
Erkin SATTOROV
Zokir BOLTAYEV

Navbatchilar –
Темир ҚУРБОНОВ
Radik TUMPAROV

Sahifalovchilar –
Ilhom JUMANOV
Akbar BOLTAYEV

**TELEFONLAR:**
71-231-33-88;
**Faks:** 71-231-40-05.

**Obuna masalalari bo'yicha:**
71-231-38-74;
95-177-32-31

**Web-site:** www.postda.uz
**E-mail:** info@postda.uz

ISSN 2010-5355

Tahririyat hisob raqami 20210000900447980001. Bank kodi 00420. ATIB «Ipotekabank»ning Mirobod filiali. STIR 200637499.

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egasiga qaytarilmaydi.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda manba ko'rsatilishi shart.

Gazeta tahririyat kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Adminstratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020-yil 13-yanvarda 0120-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Buyurtma №V-4322.
Bosilish – ofset usulida.
Bichimi – A3. Hajmi – 6 bosma taboq. 53 779 nusxada chop etildi.
**Obuna raqamlari:**
Yakka tartibda – 180.
Tashkilotlar uchun – 366.
Bosishga topshirish vaqti – 22.00.
Bosishga topshirildi – 21.00.
Sotuvda kelishilgan narxda.

**MANZILIMIZ:**
100070, Toshkent shahri, Shota Rustaveli 1-berk ko'chasi 9-uy.